



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2022-yil 11-fevral / № 5 (4664)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ОТАШИН ШОИР, ТАРЖИМОН ВА ДРАМАТУРГ УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг бетакор истеъдоди, юксак матонати ва халқларварлиги билан ўзбек адабиётида учмас из қолдирган, мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлган оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир халқимизнинг машҳур фарзандларидан биридир. Унинг эзгу инсоний фазилатлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат, келажакка юксак ишонч туйғуси билан йўғрилган етук бадий асарларининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда шоир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2022 йилда Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Оташын шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов) бир ой муддатда Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутувчи дастурни, уни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгиланган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини **мамлакатимизда адабиёт ва санъат байрами** сифатида кенг нишонлаш;

Усмон Носирнинг ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, унинг **қатагон даврида кечган йилларини ўрганиш**, ҳозирга қадар **номаълум бўлиб келаётган қўлёзма асарларининг тақдири** ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида тарихчи олимлар ва ижодкорлардан иборат ишчи гуруҳи тузиш ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, шунингдек, Россия Федерациясидаги тегишли архив материаллари билан танишиши учун шароит яратиш;

Наманган шаҳрида **Усмон Носир** ҳайкалини ўрнатиш;

Тошкент ва Наманган шаҳарларидаги **кўчаларга Усмон Носир** номини бериш;

Усмон Носирнинг **“Танланган асарлар”** тўплами ҳамда **“Усмон Носир замондошлари хотирасида”** китобини нашр этиш;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиди Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда **“Замонавий ўзбек адабиёти ривожига Усмон Носир ижодий меросининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида илмий-амалий конференция** ўтказиш;

Усмон Носирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида **ҳужжатли фильм** суратга олиш, **спектакллар сахналаштириш**, **музика асарлари** ва **қўшиқлар**, Интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мулжалланган **аудиовизуал асарлар** яратиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида туркум материаллар эълон қилиш;

умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида Усмон Носир ҳаёти ва ижодига бағишланган **“Унутмас**

мени боғим” мавзусида **иншолаб танловини** ўтказиш;

мамлакатимиздаги таълим ташкилотлари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳалларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида Усмон Носир ижодига бағишланган **учрашувлар, давра суҳбатлари** ҳамда **кинобонхонлик кечаларини** ташкил этиш;

2022 йил ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида **Ўзбек Миллий академик драма театрида Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган адабий-бадий хотира кечасини** ўтказиш.

4. Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов)га Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камиллов): Маданият вазирлиги, Бадий академия, Ёзувчилар уюшмаси ва “Шахидлар хотираси” жамғармаси билан биргаликда белгиланган тартибда Россия Федерацияси Кемерово вилоятининг Мариинск шаҳрида Усмон Носир хотирасига бағишланган ёдгорлик ўрнатиш ва унинг тантанали очилиш маросимини ўтказиш юзасидан Россия Федерациясининг тегишли идоралари билан музокара олиб бориш.

ри билан музокара олиб бориш ҳамда натижаси бўйича Ташкилий қўмитага таклиф киритсин;

Ўзбекистоннинг Новосибирск шаҳридаги Бош консулхонаси томонидан шоир хотирасига ҳамда ўзбек адабиёти ва маданияти тарғиботида бағишланган тадбирларни Россия Федерацияси Кемерово вилоятдаги ўзбек диаспораси вакиллари билан жалб этган ҳолда ўтказиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджети, Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсади жамғармаси, ташкилотчилар маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 февраль

«ЭЙ, УМРИ АЗИЗ...»

Куни кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бошланган буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг таваллуд санасига бағишланган тантаналар, назму наво оҳанглари мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларига етиб борди. Бу йилги тадбирлар ҳам ҳар қачонгидек кўтаринки руҳда ўтмоқда. Бу анъана тобора кенг қамров касб этиб, боғфакат мамлакатимиз, балки бутун дунёда адабиёт, хусусан, Алишер Навоий ижоди ихлосмандларининг севимили байрамига айланди. Бугунги кунда Япония, Хитой, Россия, Озарбайжон сингари кўплаб мамлакатларда буюк бобомизнинг маҳобатли ҳайкаллари пойида тадбирлар ўтказилиб, ғазаллари ўқилмоқда, адабиётимиз дўстлари йиғилишиб, ўзаро фикрлашмоқда.

Адиблар хилбонидидаги анъанавий катта анжуманда таниқли ижодкорлар, хоризждан келган навоийшунослар, олимлар, давлат арбоблари, санъаткорлар, ёшлар, талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Тантанали тадбирни олиб борган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид кейинги йилларда мамлакатимизда буюк бобомизнинг адабий меросини ўрганиш янги босқичга чиққани, унинг асарлари хоризжий тилларга таржима этилаётгани, халқаро миқёсда тарғиб қилинаётганини, тасдиқлаб ўтди.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди раҳбари, навоийшу-

нос Олимжон Давлатов, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ходими Буробия Ражабова Алишер Навоий ижодини кенг тарғиб этиш борасида интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, қатор хоризжий илмий-тадқиқот муассасалар билан ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш, янги давр навоийшунослигини шакллантириш, мамлакатимизда Уччинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёнида Навоий меросидан самарали фойдаланиш ҳақида тўхталиб ўтди.

Туркиялик олим Воҳид Турк ҳамда афғонистонлик навоийшунос Азизулло Орол Алишер Навоий ижодига илгари сурилган ғоялар бутун инсониятга дахлдор экани, инсонларварлиги, халқчилиги билан жаҳон адабиётида ўзига хос ўрин тутиши ҳақида гапирди.

Тадбир давомида филология фанлари номзоди Раҳимбой Жуманиёзов Алишер Навоий ғазалларидан намуналар, ёш шоира Қумуш Абдусаломова Алишер Навоийга бағишланган шеърини ўқиб берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Моҳичеҳра Шомуродова Навоий ғазаллари билан қуйланувчи қўшиқлардан ижро этди.

Тадбир иштирокчилари — турли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари жамоалари вакиллари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Шу кунни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Навоий ва Шарқ Ренессанси” мавзусидаги

симпозиум, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланган илмий-маърифий тадбир, Ички ишлар вазирлиги Ички ишлар академиясида буюк мутафаккир боболаримиз асарларининг тарбиявий аҳамиятига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

Адабиёт байрами пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳамда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи хилбонидида, барча вилоятлар марказлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида ҳам бўлиб ўтганини, ғазал мулкнинг султони ҳайкали пойига гуллар қўйилганини, ўлмас асарлардан парчалар ўқилганини таъкидлаш жоиз.

Албатта, бу тадбирларда тилга олинган асарлардан намуналар уммондан томчилар, холос. Буюк бобомизнинг инсонни қадрлашга даъват этилган асарлари дунё аҳли учун туганмас хазина бўлиб, башариётнинг бахту камолига бағишлангани учун ҳам унинг жаҳоншумул аҳамияти ошиб бораверади.

Жондин сени кўп севармен,
эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен,
эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин
ортўқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен,
эй умри азиз.

Ҳумоюн АҚБАРОВ

«АБРОРЛАР ҲАЙРАТИ» КИТОБИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли навоийшунос олим, академик Абдулла Аъзамнинг “Абдорлар ҳайрати” китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, адабиёт ихлосмандлари ва ёш ижодкорлар иштирок этди.

Тақдимотда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиiddин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, адиб Аҳмаджон Мелибоев сўзга чиқиб, Абдулла Аъзамнинг математика оламидаги тадқиқотлари билан бирга, бадий ижод, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий адабий меросини ўрганишдаги кўп йиллик самарали изланишлари ҳақида сўз юритдилар. Ушбу китоб буюк алломанинг маънавий оламини имкон қадар кенгроқ кашф этиш йўлидаги журват ва иштиёқ натижаси экани айтиб ўтилди. Айниқса, муаллифининг ғазални, арузни яхши тушуниши алоҳида эътироф этилди.

Асарда муаллиф улғу мутафаккирни фалсафий таълимот яратган файласуф аллома сифатида тақдим этади. Бу борада олим ўз устози — академик Алибек Рустамовнинг “Навоийнинг фалсафий ақидалари” ҳақидаги фикрларига таянади, уларни мантикий ривожлантиради.

Ҳар бир талқинда муаллифнинг кўплаб манбалардан хабардорлиги, уларни қиёсий солиштириб, энг ишончли маълумотлардан фойдалангани, мумтоз адабиётни, аруз илмини, миллий тарихимизни чуқур билиши ва улардан ҳаётий хулосалар чиқарганини кўриш мумкин. Ҳазрат Навоийнинг ижод оламини, кўплаб тарихий воқеалар мазмунини очиб беришда ўзига хос йўл тутганини муаллифнинг илмий ангиллигидир.

Ўз мухбиримиз

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топан кун



Заҳириддин Муҳаммад Бобур

ҒАЗАЛ

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғи?
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғи!

Бу замонни нафй қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғи!

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнгулма,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғи.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиғ асру кўп,
Эмди кўз тутмак не маъни ҳар ёмондин яхшилиғи.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғи.

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғи?!

БОБУРНИНГ КЎНГИЛ БАЙРАМЛАРИ

Дунёнинг унлаб тилларига таржима қилинган “Бобурнома” дек ўлмас асарга иштиёқ бугун ҳам кучли. Бобур шаҳси, унинг ҳаёт йўли — тақдири акс этган “Бобурнома”нинг жозибаси нимада? Жангнома ёки сиёсий характердаги бошқа асарлар билан қиёслаган олим сиёсатдонлар бу асарнинг устун жиҳатларини кўп таъкидлайдилар.

“Бобурнома” жуда катта қўламдаги воқеа-ҳодисалардан ҳикоя қилади. Ун икки ёшлик чоғидаги Фарғона вилояти тасвиридан бошланган воқеалар Бобур умрининг сўнги даври — Ҳиндистон воқеалари билан якунига етади. Фарғона ва Ҳиндистон орасида эса Бобурнинг бахту бахтсизликка тўла, сарсон саргардон ҳаёти — бор умри сочилиб ётибди. Фарғонадан Ҳиндистонга қадар унлаб мамлакатлар, юзлаб шаҳару қишлоқлар, минглаб тақдирлар турли рангу тасвирларда, оҳангу наволарда намоён бўлади. Бу сочинлан борлиқ эса Бобурнинг кўнгли атрофида бирлашади. Ҳа, дунёни бутун фожияси билан жуда эрта идрок этган, воқеликнинг моҳиятига назар ташлашга ўрганган, минг бир изтиробларни бошидан ўтказган — бир томондан катта мамлакатни бошқаришга иштиёқманд, иккинчи томондан борлиқ билан ўзини уйғунлиқда ҳис этишга ундаган кўнгли атрофида — Бобур кўнгли атрофида жипслашади. Шу боис ҳам “Бобурнома” ўзгалар кўнглини ҳам оҳанрабодек тортиди. “Бобурнома” уни ўқиган китобхонни ҳам юксак парвозга ундайди.

Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

Бугунги тезкор, турли-туман хабарлар ва воқеа-ҳодисаларга тўла замонда дунё миқёсидаги кунлик ангилликларни ўқиб ўлғуриш маҳол. Ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган ахборот оқими шунчалик кўпки, кераклисини ажратиб олиш алоҳида масала. Ҳолбуки, умримиз давомида мутлоа қилишимиз зарур бўлган асарлар жаҳон адабиётида ҳам, ўзбек адабиётида ҳам бисёр. Биз уларни ўқишга қачон вақт ажратамиз? “Китоб замонлар

ЯҚИН ДЎСТ ВА ДОНО МАСЛАҲАТЧИ

денгизда саёҳат қилаётган ва инсониятнинг қимматбаҳо хазинасини аждоқлардан-авлодларга етказиб келган ҳикмат кемаси” ёҳуд “Ҳар бир инсоннинг қиймати ўқиган китоблари билан ўлчанади” каби сўзларнинг маъно-мазмунини қачон англаб етасиз? Ибсот талаб қилмас ҳақиқат шундаки, дунёни фақат илм билан забт этиш мумкин. Барча соҳаларда илми чуқур эгаллашнинг йўли эса битта — ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш.

Ёшлар онгида китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг ҳар хил усуллари борлигини ҳеч ким инкор этмайди. Биринчи навбатда, ота-оналар иш, рўзғор ташвишларидан ортиб фарзандлари кўз ўнгига китоб мутлоа қилса, болалар ҳам китобга меҳр қўяди.

ЯҚИН ДЎСТ ВА ДОНО МАСЛАХАТЧИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Дарҳақиқат, китоб билимлар хазинаси, тафаккур қаноти ҳисобланади. Гарчи илдииз миллий заминдан озикланса-да, шохларида умумбашарий мева унади. Китоб ҳар бир миллатга ўз маданиятини намоён этиш, айна чоғда, бошқа халқларнинг урф-одатлари ва анъаналари билан танишиш имконини беради. У тараққиёт ва маданий ранг-баранглик кўзгуси, ўтмиш, бугун ҳамда келажак ўртасидаги кўприқдир. Кўп китоб ўқиган одам ўз билими, дунёқарashi, руҳияти ва маънавиятини бойитиб, оламни теран англайди.

Ўртабшомизнинг ташаббуси ва даъвати билан мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ошириш бўйича эзгу сазй-ҳаракатларга киришилди. Бизга бу борада Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ҳамда "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлди.

Маълумки, омавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналистлар китобхонлик тарғиботи билан чекланимай, китоб мутолааси бўйича ҳам олдинги сафда, аксарияти ширлиқ ё ёзувчиликка даъво қилмас-да, бадий ижод билан мунтазам шуғулланади. Уларнинг назмий ва насрий асарлари, публицистик мақолалари ўқувчилар томонидан эътироф этилиб, китоблари нашр қилинаётгани қувонarli ҳол, албатта.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси тизимида ҳам амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар доирасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш, янги китоблар тақдимоти ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган "Ёш юраклар садоси" лойиҳаси доирасида навбатдаги "Ўмид ёғдуси" тўпламининг тақдимоти ҳамда асарлари тўпламга киритилган ижодкорлар билан давра суҳбат ўтказилди. Унда 57 нафар ёш журналистнинг энг сара мақолалари жамланган. Тўплам Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда "Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси" АЖ ўртасида тузилган "Дўстлар клуби" маблаг ҳисобига чоп этилди.

Маълумки, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қонунчилик нормаларига мувофиқ, боланинг камситилишига йўл қўймаслик ва ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ноўрин хатти-ҳаракатнинг олдини олиш зарур. Жумладан, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар тўғрисидаги маълумотларнинг (расми, шахсига тааллуқли) ОАВ, айниқса, телевидение орқали очик-ойдин берилиши келажакда етим болалар ҳақидаги мавжуд стереотип фикрлар таъсирида уларни камситувчи, ранжитувчи муҳокамаларга сабаб бўлиши мумкин. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамда Болалар омбудсмани билан ҳамкорликда "Бола ҳуқуқлари ва журналист масъулияти: муаммо, таҳлил ва тавсиялар" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этдик. Журналистлар учун нашрга тайёрланган "Сизни қизиқтирган саволларга жавоблар" китоби тақдимоти ҳам ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари ходимларига етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар масалалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга айнан шу китобдан жавоб олиш тавсия этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Postda – На посту" газетаси ва "Daiqon – Шит" журнали бирлашган тахририяти билан ҳамкорликда ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан чоп этилган "Ўзбекистон халқи хизматида", "Ички ишлар органларининг мард ўғлонлари", "Эл-юрт оқойишталлиги генераллари" ҳамда "Postda – На посту" газетасининг 90 йиллигига бағишланган "Маърифат зиёси", "Ёшлар – келажак пойдевори", "Маънавият ва маърифат чашмаси", "Фахрийлар – фахримиз" номли китоблар тақдимоти бўлиб ўтди.

Шунингдек, таниқли журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, "Меҳнат шуҳрати" ордени, I даражали "Меҳнат фахрийси" кўрак нишони соҳиби Сайди Умиров ҳаёти ва ижодига бағишланган "Сайди Умиров замондошлари хотирасида" китоби тақдимоти ҳамда "Соғинч" деб номланган маърифий анжуман ўтказилиб, устоз хотирасига эҳтиром кўрсатилди. Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда таниқли журналист ва адиб, марҳум Тоҳир Шомуродовнинг "Янги китоб" нашриётида чоп этилган "Мен ёнингдан йироқман" китоби тақдимоти ҳам кўпчиликлка манзур бўлди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган

журналист, "Олтин қалам" миллий мукофоти совриндори Саодат Ўрмонованинг ижод йўлига бағишланган тадбир ва унинг "Тележурналист" номли китоби тақдимоти ҳам яхши таассурот қолдирди.

Халқаро ахборот кўни муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази "Халқ дипломатияси ривожига халқаро ахборотнинг аҳамияти" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатига тўхталсак, ушбу тадбир давомида "Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқ дипломатияси маркази", "Саккиз элнинг саксон улус сиймоси", "Барқарор ривожланишда етакчи аёллар ролини ошириш" каби китоблар тақдимоти ўтказилган нур устига нур бўлди.

"Ишонч" ва "Ишонч – Доверие" газеталари тахририяти эса уюшмамиз билан ҳамкорликда йил давомида газетада чоп этилган энг сара таҳлилий мақолалар ва бадий асарларни тўплаб, "Бир сўз", "2021: факт ва далиллар, мулоҳаза ва мунозара, танқид ва таҳлил, талқин ва ҳулосалар", "Биз ҳаётдан розимиз!" тўпламларини ўқувчиларга тақдим этди.

Миллий матбуот марказида "Маърифат" газетасининг 90 йиллиги муносабати билан чоп этилган "Меҳр ва маҳорат мактаби" китобининг тақдимоти ўтказилди. Ушбу китобдан журналистика соҳасида узоқ йиллар фаолият юритган Халим Сайид, Луқмон Бўрихон, Жаҳонгир Исмоилов, Хулқар Тўйманова каби ижодкорларнинг хотиралари, газета билан ҳамкорлик қилиб келаётган таниқли олимлар ва фаол ўқитувчилар ҳамда тахририят қошида ташкил этилган маҳорат мактаби тингловчиларининг мақолалари ўрин олган. Шу ўринда тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров, адиб ва шоир Ғайрат Раҳматуллаев, "Ҳуқуқ" газетасининг Қашқадарё вилоти бўйича муҳбири Норбўта Ғозиев, Қуролли Кучлар фахрийси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги Исқандар Раҳмон сингари ижодкорлар тўхфа қилган асарлар ҳисобига Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг кутубхонаси кун сайин бойиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, янги китоблар тақдимоти, бадий ижод билан шуғулланаётган журналистларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли тадбирларни амалга оширмоқда. Зеро, китоб барча билимлар манбаи, инсоннинг энг яхши дўсти ва доно маслаҳатчиси, тафаккур хазинаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорлиқни умуммиллий ҳаракатга айлантириш мақсади кўзда тутилган.

ЎҚУВЧИ ИЖОДКОР БЎЛСА...

Қарорга асосан мактабларда ташкил этилган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиларнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантиришдан иборат. Тарғиботчи ўқувчиларнинг ижодий ишлари билан мунтазам танишиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатади, ижодий тўғараклар ташкил этади ва режа асосида маҳорат сабоқларини олиб боради. Шунингдек, истеъодли ўқувчи-ёшларни Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган турли ижодий танловларга жалб қилади, ижодий ишларини адабий нашрларга тавсия этади. Ўқувчилар ўртасида турли ижодий танловлар, фестивал ва бошқа тадбирлар ташкил этади. Ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини тарғиб қилиш орқали ёшлар онгига умуминсоний ва миллий қадариятларни шакллантириш, маънан баркамол авлоднинг тарбиялаш бўйича иш олиб боради. Бадий адабиёт, ижодий жараёнларга қизиқтириш орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож, тарбияси оғир болаларнинг маънавий-руҳий ҳолатини яхшилашга кўмаклашади.

Мактабларга муносиб тарғиботчиларни бириктириш ва таълим муассасасида белгиланган вазифаларнинг тўла бажарилишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўқув-методика бўлими томонидан фаол иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда барча мактабларга ижодий-маданий тарғиботчи лавозимига номзодлар тавсия этилди. Ушбу лавозимда ишлаш истагида бўлган шоирлар, ёзувчилар, публицистлар, адабиётшунос олимлар, журналистлар, ёш ижодкорлар рўйхати шакллантирилиб, тарғиботчиларнинг розилиги билан улар ўзларига яқин ҳудуддаги мактабларга бириктирилди. Бунда уларнинг ижодкорлик салоҳияти ва масъулиятлилигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис, қарорда белгиланганидек, она тили ва адабиёт фани бўйича ижодкор ўқитувчилар ҳам ушбу лавозимда ишлашга жалб этилган. Тошкент шаҳридаги мактабларга бириктирилган шоир ва ёзувчилар, истеъодли журналистлар орасида Зулфия Мўминова, Ахтамқули, Раҳимбой Жуманиёзов, Нурбой Жаборов, Тўра Мирзо, Дилшод Ражаб, Зикрилла Нёъмат, Сирожиiddин Рауф, Бахтиёр Ҳайдаров, Луқмон Бўрихон, Шойим Бўтаев, Собир Унар, Кўчқор Норқобил, Хосият Рустамова, Ғайрат Мажиб, Гулжамол Асқарова каби таниқли ижодкорлар бор. Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этилган номзодларга уюшманинг тавсия хатлари берилди ва тарғиботчилар белгиланган мактабларда ўз фаолиятини олиб боришмоқда.

Албатта, иш бор жойда камчилик бўлиши мумкин. Хусусан, тарғиботчилик вазифаси билан танишиш, асосий иш ўрни, тарғиботчиликка ажратилган вақт масаласи, тавсия этилган номзоднинг ижодкорлиги, фаолиятга муносабатини ўрганиш жараёни чўзилган сабабли мактабларда меҳнат шартномалари турли вақтларда имзоланди. Айрим мактабларда ўқув йили охиригача тарғиботчи фаолиятини йўлга қўйишнинг имкони бўлмади. Камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази масъуллари ҳамкорлигида онлайн мулоқотлар, мунозара ва суҳбатлар ташкил этилди, муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди. Ўтган вақт мобайнида иш қандай йўсинда ташкил этилса юқори самарага эришиш мумкинлиги ойдинлашиб қолди. Барча тарғиботчиларнинг иш дастури мавжуд. Ҳозирги пайтда мулоқотлар, мунозара ишлар натижаси яққол кўринмоқда. Ўқувчиларнинг телевидение ва радиода чиқишлари, вақтли матбуотда асарлари билан ҳамкорликда барча мактабларга ижодий-маданий тарғиботчи лавозимига номзодлар тавсия этилди. Ушбу лавозимда ишлаш истагида бўлган шоирлар, ёзувчилар, публицистлар, адабиётшунос олимлар, журналистлар, ёш ижодкорлар рўйхати шакллантирилиб, тарғиботчиларнинг розилиги билан улар ўзларига яқин ҳудуддаги мактабларга бириктирилди. Бунда уларнинг ижодкорлик салоҳияти ва масъулиятлилигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис, қарорда белгиланганидек, она тили ва адабиёт фани бўйича ижодкор ўқитувчилар ҳам ушбу лавозимда ишлашга жалб этилган. Тошкент шаҳридаги мактабларга бириктирилган шоир ва ёзувчилар, истеъодли журналистлар орасида Зулфия Мўминова, Ахтамқули,

Маъмура ЗОХИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси Ўқув-методика ва
ҳарбий-ватанпарварлик
бўлими бошлиғи

белгиланди. Бу йил старт бериладиган иккинчи босқичда (2022–2023 йиллар) китобхонликка оид инфратузилма мустаҳкамланади. Учинчи босқичда (2024–2025 йиллар) ёшларнинг китобхонлик маданиятини жадал ривожлантириш, уларнинг саводхонлиги ўсиши ҳисобига инсон капитали сифатини яхшилаш бош мақсад қилиб белгиланган. Дарҳақиқат, оддий китобхонликдан бошланган ислохотлар оқибат инсон капиталининг сифати ўсишига — Учинчи Ренессанс даври пойдеворининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ушбу тарихий ҳужжатлар юртимизда китобхонлик муҳитини кескин ўзгартирди, ҳаётимизга янги нафас олиб кирди. Янги китобхонлар талабига мос равишда нуфузли китобхонлик танловлари эълон қилинган соҳадаги улкан ютуқлардан биридир.

Шу кунларда юртимиз ёшлари ўртасида Президентимиз ташаббуси билан бошланган анъанавий "Ёш китобхон" кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўтказилмоқда. Танловнинг қуйи босқичларида уч ёш тоифасида юз минглаб истеъодли ёшлар қатнашаётир. Ушбу ракам мазкур танлов ёш авлодни китобхонликка қизиқтирувчи, интилишларини рағбатлантирувчи бекиёс кучга эгаллигини кўрсатади. Қолаверса, бу ҳаракатлар китобхонлиқнинг мазмун-моҳияти ўзгараётганини, бугунги ёшлар аввалги

китобхонлар эмаслигини ҳам кўрсатиб турибди. Янги Ўзбекистон ёшларида янги китобхонлик маданияти шаклланиб келаётгани, мутолаа тарғиботида оид эски усуллар билан уларни жалб этиб бўлмаслиги ойдинлашди.

Эсингизда бўлса, 2021 йили "Ёш китобхон" танловида 300 минг ёш иштирок этган, республика босқичи ғолибларига "Spark" автомашинаси, 2- ва 3-ўрин соҳибларига мос равишда 30 миллион ҳамда 15 миллион сўмдан пул мукофоти топширилган. "Ёш китобхон оила" танловида эса 10 мингта ёш оила қатнашди. Бундан ташқари, ўтган йили китобхонлар эҳтиёжини қондириш мақсадида 1,2 миллиондан зиёд китоб етказиб берилди. Беш ташаббус доирасидаги "Маърифат карвони" тадбирларида ҳудудларга 3 миллиондан ортқ китоб етказиб берилди. Шунингдек, "Ёшлар кутубхонаси" руқни остида 47 номдаги 470 минг дона бадий адабиёт чоп этилиб, республикамиздаги барча таълим муассасаларининг кутубхоналарига топширилди.

Бугунги шиддатли замон билаги эмас, билими зўрники. Бун ҳаётнинг ўзи исботлаб этиб турибди. Демак, келгуси авлоднинг келажак бевосита китобга муносабати билан боғлиқ. Кўпчилиси, ёш китобхонларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

КИТОБ — ЁШЛАР ҚАНОТИ

Ўқимаган одам бой ҳам, етук шахс ҳам бўла олмайди

Инсоният бугун дунё миқёсида кучли рақобат, ғоявий кураш ва зиддиятлар кескин тус олган бир даврда яшамоқда. Бундай мураккаб шароитда халқларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва ўз-ўзига талабчанлиги унинг келажакни белгилайди. Билим ва иқтидорли ёшлар эса келажакимиздир. Учинчи Ўйғониш даври пойдеворини бунёд этишдек улкан мақсадга ёш авлодининг билим-салоҳияти билан эришилади. Шундай экан, бугунги ёшларнинг китобхонлик маданияти қандай?

Буюк шахслар, етук олимлар ёҳуд машҳур тадбиркорларнинг таржимаи ҳолини ўқиб, фикрига қўлоқ тутсангиз, уларнинг ҳаётида китоб ва мутолаанинг аҳамияти муҳимлигини кўрасиз. Статистик маълумотларга қараганда, китоб ўқимайдиганларнинг 43 фоизи қашшоқликда умр кечиради. Саводли инсонлар орасида эса қашшоқ яшайдиганлар атиги 4 фоиз экан. Соҳибқирон Амир Темур бежиз: "Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир", демаган. Ҳазрат Навоий ҳам Соҳибқирон бобомизга ҳамоҳанг равишда: "Китоб — беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришиш-

нинг энг асосий манбаи", деганлар. Ҳа, китоб ва мутолаа инсон тафаккурининг қанотидир. Бироқ бугунги ёшларнинг дунёқарashi ва талаблари ўзгариб бормоқда. Уларнинг фикрлаш тарзи ҳам эскича қолипларга симамайди. Улар энди тунлари шам ёруғида китоб ўқимайди. Излаган китоби топиламайдиган, дидига ўтирмаган кутубхоналарга қадам босмайди. Чунки улар очик ва ягона жамиятга айланиб қолган Қураи заминда китоб ва кутубхоначилик, матбаачилик борасидаги ютуқлардан яхши хабардор ва бую имкониятлардан унумли фойдаланишни хоҳлайди.

Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 55 фоизи ёки 18 миллиондан

зиёдронини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Нафақат ёшларимиз, балки Ватанимиз, бутун халқимиз тақдирига дахлдор бўлган ёшлар сиёсати, унинг бугуни ва эртанги истиқболи биринчи даражали масаладир.

Сўнгги беш йилликда ёшлар сиёсатига доир саксонга яқин қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг китобхонлик ва мутолаа маданиятини ошириш, матбаачиликни ривожлантиришга доир фармон, қарор ва фармойишлари, 2020–2025 йилларга мўлжалланган "Китобхонлиқни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури" алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги ғоят муҳим фармойишида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини оширишга оид масалалар белгилаб берилган. Хусусан, бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширадиган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намондаларининг етук асарларини таржима қилишни пухта уйланган тизим асосида ташкил этилмагани, китобларни нашриётлардан ҳудудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва манзилга етказиш тизими суст ривожлангани, аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шаклларида кенг фойдаланилмаётгани, китоб тарғиботи қўнқарли эмаслиги қайд этилган.

Дарҳақиқат, ёшларга "Китоб ўқи!" дейишдан олдин уларнинг тафаккурини ўстирадиган юксак бадий савиядаги китобларни чоп этиш лозим. Яқин-яқингача жаҳон ва ўзбек адабиёти нодир намуналари китоб дўконлари, ҳатто кутубхоналардан ҳам топиламас эди. Борлари ҳам бундан 50–60 йил бурун чоп

этилган, саҳифалари сарғайиб, увадаси чиқиб кетганди. Жаҳон адабиётининг бестселлер асарларини ўзга тилларда ўқишга, қиммат нархларда сотиб олишга мажбур эдик. Мамлакатимиздаги кутубхоналар сони эса меҳмонхоналар сонидан тўрт марта кам эди. Ёшлардан қўл етмай-диган нарсани талаб қилиш эса натижасиз уринишдир.

Ўзбекистонда асосий китобхонлар оммаси 17 дан 40 ёшгача бўлган фуқаролардир.

Давлат раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурига оид қарорида мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш белгилаб қўйилган. Пойтахтимиздаги Миллий боғ яқинида Президент кутубхонаси бунёд этилиши ҳам аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган давлат сиёсатининг амалдаги ифодасидир. Адиблар хибони ва Миллий боғдаги бошқа маънавий-маърифий объектлар билан яхлит мажмуага айланиши кутилаётган бу зиё маскани 4 қаватли бўлиши, бир вақтда 1 минг 400 дан зиёд ўқувчига хизмат кўрсатиши кўзда тутилган. Кутубхонада 1 миллион 500 мингта китоб сақланиши билан бирга, электрон адабиётлар, мультимедиа маҳсулотларига ҳам кенг ўрин ажратилади.

2020–2025 йилларга мўлжалланган "Китобхонлиқни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури" уч босқичда ҳаётга таътиқ этилмоқда. Биринчи босқичда (2020–2021 йиллар) ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилиб, муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистонда 2021 йилдан бошлаб ҳар йили апрель ойининг биринчи ҳафтаси "Китобхонлик ҳафталиги" этиб



Хусниддин ШАРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири

ТИРИК САТРАП



АЗИЗ БАТАН

Азиз Ватан,
Иқбол ватани,
Қадди баланд,
Қадри баландим,
Юрагимга жо этиб сени,
Кучоғингда нурга беландим.

Кўп нарсани севамиз. Аммо
Ватан меҳри баридан юксак.
Ўзга юртлар гулидан аёло
Ўз далангда жилмайган кўсак.

"Ватан" десак кўксингга иниб,
Жондай илиқ туялар тупроқ.
Шу тупроқда улгайиб-униб,
Шу тупроққа тўкилар япроқ.

Ватан деган унвон тупроққа
Бахш этилар Инсон туйфайли.
Ватанидан кетса йироққа,
Инсоннинг ҳам умри тугайди.

Тиркирайди одамзод тошдек,
Ер соқондай айланса йўртиб.
Ватан сергак яшар кўшедек,
Фарзандларин бағрига тортиб.

Гоҳ қулоқни этса ҳамки кар
Замбаранинг совуқ наъраси,
Озод тепиб тураркан қалблар,
Сўнмас сира ҳаёт нафаси.

Миннатдорман бахтим қушидан:
Кўларимга қўндирмас ғубор
Истикболнинг жилмайишидан
Равшан тортган азамат диёр.

Шу сабабли мангу сен билан
Томирдошдир бўғину бандим,

ҚАДРИ БАЛАНДИМ

Азиз Ватан,
Ягона Ватан,
Қадди баланд,
Қадри баландим.

ПОКИЗА НОМ

Ватан кўп асрлар, қурашлар ҳамда
Номаълум деҳқонлар ижоди эрур.
Уни юксалтирмиш ёруғ оламда
Ҳазрат Навоийлар бахш этган гурур.

Аланга тилидай беқарор ҳислар
Шеърга айлангандек ногоҳ илҳомдан,
Ватан бошланади сиз билан бизлар
Авайлаб-асраган покиза номдан.

ЁР ИНТИЗОР

Соғиндим, эй гул юзли ер,
Ё сиз келинг,
Ё мен борай.
Ёзгай пояндозин баҳор,
Ё сиз келинг,
Ё мен борай.

Тоғлар аро ўтлоқдаман,
Ёр, интизор кутмоқдаман,
Ҳар кун кўролмай доғдаман,
Ё сиз келинг,
Ё мен борай.

Яйловда қўй-қўзим менинг,
Яйраб боқар қўзим менинг,
Тинглаб ширин сўзим менинг,
Ё сиз келинг,
Ё мен борай.

Ёрим менинг боғбон бўлиб,
Яшнабди юрт бўстон бўлиб,
Дилбар, бугун меҳмон бўлиб,
Ё сиз келинг,
Ё мен борай.

Ёр олмаси тотли экан,
Ёр совғаси шодлик экан,
Соҳибжамол, ширинсухан,
Ё сиз келинг,
Ё мен борай.

Соғиндим, эй гул юзли ер,
Ё сиз келинг,
Ё мен борай.
Бўлмайлик асло интизор,

Ё сиз келинг,
Ё мен борай.

АЁЛЛАР

Камгапми, сергапми —
аёл яхшидир.
Бегапми, сергапми —
аёл яхшидир.
Бўштобми, пишқим —
аёл яхшидир.
Аччиқми, чуқуқми —
аёл яхшидир.

Бўғилманг "Ошириб юборди, деб, сал",
Мақтовнинг озидан кўпроғи афзал.

Сахрога ўхшагай
аёлсиз дунё,
Куригай, қақшагай
аёлсиз дунё.
Туялғай ғалати
аёлсиз дунё.
Чунки жим қолади
аёлсиз дунё.

Эрлар кўтаролмай сукунат юкин,
Эсини йўқотиб қўйиши мумкин.

Кувончлар шимириб
яшасин аёл.
Тиникиб, семириб
яшасин аёл.
Офтобдай юксакда
яшасин аёл.
Биз қурбон бўлсак-да,
яшасин аёл.

Эҳтимол сўрасиз: "Эркак-чи, эркак?",
Бу ҳақда аёллар уйлаши керак.

ЕЛКАДОШЛАР

*Атоқли адабиётшунослар
Озод Шарафиддинов ва Абдуғафур
Расуловни эслаб*

Баёзу байтларга бойдир тўрт тараф,
Ҳазал бўстонида яйрайди минглар.
Экран ва радио мурватин бураб,
Энг олис қишлоқ ҳам шоирни тинглар.

Шоир ҳам эл сўзин кутарди тун-кун
Илиқ табассумлар мағзин чақарди.
Асил ҳақиқатни англамоқ учун
Икки Елкадошга зимдан боқарди.

Жўшар Елкадошлар мисоли вулқон,
Жўр булар дам-бадам замон гурроси.
Илҳомни қитиқлар Абдуғафуржон
Ҳамда Озод ака, унинг устози.

Ноҳақ топталган ном нурга ўралар
Уларнинг заҳматшар елкаларида.
Икки дўст овози вазмин таралар
Ижоднинг уммону жилғаларида:

Кимнинг фарзандисан? Ўқи ва ўйла.
Ҳаёт ҳазилкашдир. Билиб қадам бос.
Дардманга дармон бўл. Халолни қўла.
Рост сўзла. Соз сўзла. Ўз сўзингни ёз!

Бу содда тилаклар мазмуну улуг,
Ҳамон чорлаётир янги парвозга.
Қўлда қалам билан
Қиламиз қуллук
Қалблардаги бедор икки устозга.

ДЕНГИЗ СОКИН ЭДИ

Денгиз сокин эди. Ўхшарди денгиз
Мола босилмаган мовий шудорга.
Муздек дазмолини аста юргизиб,
Текислаб қўймоқчи бўлди шаббода
Сувнинг титраб турган ажинларини.
Ёт қўл текканида эти сесканган
Полвоннинг асабий мускулларидай,
Югура бошлади тўлқинлар бирдан.

"Бир оз сабр этсанг-чи, бебош" дегандай,
Шамол,
бармоғини илгакдай букиб,
Нуқиди денгизнинг пешонасига.
Тавба юз минг тавба...
О, денгиз, денгиз!
Кўксидан узилди аччиқ бир садо,
Инграб,

Калла тортиб юборди беҳос
Шамолнинг қоқ заҳил қаншарига у.
Ана энди кўринг...
Кўзгинам чиқсин,
Бунча қийналмасдим агар қар бўлсам:
Шамол шарқирайди,
Денгиз вағиллар;
Бир-бирин ғижимлар ел билан тўлқин;
Бири кўтарилди ерга урилса,
Шариллаб йиртиллар бирин қўйлаги.
Осмон пасайгандай туюлди менга,
Булуллар югурди тинчроқ жой излаб,
Хилватга қочибди чағалайлар ҳам...

Балиқларнинг ҳоли нима кечдийкин?

Моҳиғул МУСТАФОЕВА

ЮРТ — ГУЛЛАГАН БОҒ



ИҚРОР

Тақдир берган бахт йўлида адашмадим,
Бу ҳам балки синов деб бахт талашмадим.
Ё муҳаббат боғига мен ярашмадим,
Куйса фақат бахтим учун онам куйди,
Суйган бўлса мени фақат Танграм суйди.

Танҳоликнинг кунни курсин, ёлғизгина
Ўтираркан, ғариб кўнглим дилсизгина.
Чидадим не тўхматларга тилсизгина,
Куйса фақат бахтим учун онам куйди,
Суйган бўлса мени фақат Танграм суйди.

Майли, ишқим қадрлама, бевафо ёр,
Қадр талаб қилмоққа мен қиламан ор.
Ушқоқна бўлсам ҳамки уволим бор,
Куйса фақат бахтим учун онам куйди,
Суйган бўлса мени фақат Танграм суйди.

Розидирман гарчи насиб қилган ризққа,
Армонларим эрур менинг орзунуша.
Аммо бу — беш кунлик дунё, умр қисқа,
Куйса фақат бахтим учун онам куйди,
Суйган бўлса мени фақат Танграм суйди.

МЕҲРИМ

Ўзбекистон — боболардан қолган юртим,
Момоларим дуосини олган юртим.
Юрагимга ишқ ўтини солган юртим,
Мен ҳам сенга бор меҳримни берай, Ватан.

Мангу паноҳ берсин Ўзи ёмонлардан,
Омон бўлгин доим сен беомонлардан.
Яралгансан муҳаббатдан, ҳижронлардан,
Мен ҳам сенга бор меҳримни берай, Ватан.

Пойинг ўлган не бир марду майдонлар ҳам,
Тупроғини кузга сурган жайронлар ҳам,
Обод қилди сени ўзи вайронлар ҳам,
Мен ҳам сенга бор меҳримни берай, Ватан.

КҮНГИЛ ДАЪВАТИ

Оддий сўзга қилмай қаноат,
Излар эдим илоҳий бир байт.
Гуё мен — қуш, қаламим — қанот,
Танга титроқ кирди-ку бир пайт.
Адоғи йўқ дилимдаги ҳис,
Ёмғирларнинг қомати қилдай.
Турган эдим севхидан ожиз,
Босди бир сўз даъвати зилдай.
"Тоғдай улкан мақсадим бор, лек
Нима қилдим, Ватан, сен учун!"
Кўёш қитиқлаган лопадек
Эзилди сўнг дилдаги тугун:
"Субҳидамда улкан кўёшни
Елкасига кўтарган тоғдек,
Юртни оппоқ гулга бўяшни
Элламан мен бир кунни боғдек".
Ватан меҳрин ҳис этиб ногоҳ,
Юрагимга айланди лола.
"Вақт шамолдир..." айллади огоҳ,
Тоғлардаги уйноқи нола.

ШУКРОНА

Тану жоним соғлиғига минг шукр,
Гулдай кўнгим чоғлиғига минг шукр.
Ойдайд ойдин чехрадан дил ёришар,
Ишқдан бағрим доғлиғига минг шукр.

Ўчоғимдан тутун чиқиб турибди,
Кўнглим ойдайд бутун чиқиб турибди.
Қадрим доим устун чиқиб турибди,
Юрт гуллаган боғлиғига минг шукр.

Кеча-кундуз дуо қилган онам бор,
Бир сўзига дунё тортиқ болам бор.
Табассуми ҳаётбахш гул-лолам бор,
Кўксим доим тоғлиғига минг шукр.

Кўчқор НОРҚОБИЛ



Чумикан деб эшитганмисиз?
Мен эса кўрганман.

Тубканинг тинкани қуритар тубидаги жой. Узоқ
Шарқда. Хабаровск ўлкасидан ҳам саккиз юз эллик
чақирим нари — Уда дарёсининг усти, Ов денгизининг
лабида.

САМОЛЁТДА МЕН ҲАМ БОР ЭДИМ

Ўша ерда бир ой бўлдим. Сенга зарилмиди? У жойлар-
да итинг адашдим, дерсиз? Чумиканда сазойидай санди-
рақлаганим алоҳида мавзу, бошқа ҳикоянинг томири.

Ҳозир ўзга ҳодиса ҳақида ёзмоқчиман. Туқиганининг
туркига тўқмоқ, айнаи чоғ эсласам ҳам ғалати бўлиб ке-
таялман.

Хуллас, уйга қайтадиган бўлдим. Ўттиз кун вақт ум-
монида увроқдай чайқалди — ўтди-кетди. Қишлоқдаги
яккаю-ягона, олти нафаргина келгиндига бошлана бўла-
диган, бор-йўғи уч хонали кичик меҳмонхонани тарк
этиб, дарёю денгиз, ўрмон, адирлару ёғоч қулбалардан
иборат борлиқ билан хайр-хўшлашдим. Тўрт чақирим
юрсам, бас, аэропортга етаман.

Тарвақайлаб ўсган дарахт ёнида чойкутидек кўри-
надиган дорихона олдидадан ўтаётганим, ичкаридан
тўрт-беш ёшлар чамасидаги маймоқоёқ қизчини етаклаб
чиққан жувонга кўзим тушди. У менга бир зум қараб тур-
ди-да, ўриндиққа чўкди. Ёнига келиб суйкалган қизчанинг
бошини кўксига босиб, сочларини силади. Мен жувоннинг
кўзлари жиққа ёш эканлиги, у худди жилмаётган каби
тулола-да, аслида ич-ичидан зор қажшаб йиғлаётганини
сездим. Айнаи лаҳзада дорихона эшиги очилиб, остонада
пайдо бўлган савлатли аёл шангиллади:

— Зойка, ахир, мен сенга энди қарзга беролмайман-ку.
Анави санчи, лъанати эрингга айт, ундан кўра ишласин,
хеч бўлмаса, балиқ тутиб сотсин. Ароқхўр, тараллабедод у.
Мени эса бошқармадан текширишяпти.

Гап нимада эканлигини тушундим: аёлга дори керак.
Аёл Осиёдан адашиб келиб қолган мен — оворою сар-
сонга алам билан қаради-да, уялганидан юзини четга
бурди, қизини бағрига маҳкам босди, энди ўрнидан тур-
ган эди ҳамки, йўлини тўсдим. У ҳайрон, менга анграйиб
қаради.

— Зоя, бироз кутиб туринг, мен ҳозир!
Юқалтамни дарахтга суяб дорихонага кирдим.

— Анави аёлга, Зояга қандай дорилар керак эди?

Жувон елим идишга солинган бир ўрам дориларни
узатди:

— Мана, фақат унинг пули йўқ эди-да. Ҳамёнини
очиб, кўзининг шўрвасини оқизаяпти менга. Ер югур эри
шип-шийдон қилиб, тозалаб кетибди. Ичади-да, ярамас,
ичади. Хотинининг ҳамёнига ҳам қўл тикади, ароқхўр.
Зоянинг қизи касал. Бечора тоғгани дори, уқол, рўзгорга
кепада. Анави алқаш Арқаша тентак ароққа чўмилгани чў-
милган. Ахир, менга ҳам эртага шаҳардан текширувчи ке-
лаяпти. Бу давлатнинг дорихонаси. Бу ерларда ҳеч нарса
хўсусиймас-ку.

Жувон шу орада шунча гапни тўкиб солди.

— Хўш, шу дориларингиз неча пул бўлади?

— Икки минг уч юз ийғирма бир рубль.

Мен дори-дармон солинган елим халтачани олиб
чиқсам, Зоя қизчасини эргаштириб ярим йўлда ке-
таяпти. Изидан югурдим, етиб олдим-да, унга елим па-
кетни тутдим.

— Мана, олинг, бу сизга.

Аёл тахта бўлиб қотиб қолди. Тақдир зарбаларидан
гангиган бошини сарак-сарак қилди, ҳатто юзларидаги
ажинлар титрагандай бўлди.

— Н-н-нега?

— Олинг. Мени дуо қилсангиз, бас!

Ортимга бурилдим. Ҳаёлимда онасига
қалтираган куйи суяниб турган бегубор қизалоқнинг мо-
вий нигоҳлари қотиб қолганди.

Йўлқ, бу жойни аэропорт ҳам деб бўлмайди. Бир
каватли ёғоч бино-ю, унинг устига ўрнатилган товуқ
катагидеккина тахтадеворли диспетчер хонасидан ибо-
рат бино эшиги олдида ҳаёлимга келгани шу бўлди: "Ё
қудратингдан, худди Собир фермернинг шийпонига ўх-
шаркан-а, кўнимгоҳи эса хирмонжойнинг ўзгинаси".

"Хирмон" жойга фақат "АН" русумли кичик самолёт-
лар кўнаркан. Ўн етти ўриндиқдан иборат. "АН-28" ру-
сумли самолётига чипта олиш учун навбатга турдим.

— Яна бир минг икки юз рубль беринг, — деди кассир.

— Э-е-е, бошқа пулим йўқ, шекилли...

Кассир жуда олисдан, офтоб ўлкасидан келиб, бу ер-
ларда пулсиз гўддайиб юрганимга ҳайратланади.

— Мен нима қилай? Яхшиси, машинада кета қолинг,

— деди у мен узатган пуллари қайтариб.

Мулзам тортаман. Хабаровск аэропортига етиб
олсам бўлди эди. У ёнига чиптам бор. Москвага
учаман. Кейин Тошкент. Сени соғиндим, она-юрт!

Хабаровскта самолётда уч соатлик йўл. Машинада эса
бу масофани кун бўйи босиб ўтаман. Ноилжой йўлга чиқдим.

Хабаровск аэропортига ит азобида етиб келдим.
Шаҳарни томоша қилишни режалаштиргандим, афсус,
бу ният ҳам амалга ошмади. Уч соатдан кейин Москвага
учаман. Кейин Тошкент. Худо хоҳласа, тонг пайти уйда
бўламан.

ХИКОЯ

— Шўрликларни энди самолёт қулаган жойга, ўрмон
ичкарасига олиб кетишаркан, — деди ёнимга келиб чўк-
кан қария.

— Қандай самолёт? Қаердан учатётган экан?
Қария менга қовоқ уюб қарайди. Бироз
оғинади:

— Чумикан деган жойни эшитганмисан? Чу-
микан! — дейди у шу сўзни ўзгача оҳангда талаффуз
қилиб.

— Қ-қа-қа-қачоон?

— Бугун. Самолётни ахтаришяётувди. Топишибди.

Ўрмоннинг қоқ ўртасида экан.

— Одамлар... Одамлар тирикмикан?

Қария энди менга анграйиб қарайди:

— Самолёт қулаб тушган-а. Одам соғ-омон қоладими?

Борлиғимга титроқ инади. Кўзларимни чирт юма-
ман. "Мен шу рейсга чипта ололмайдим? Аниқроғи,
пулим етмай қолди. Нега пулим етмади-я? Ҳа, дар-
воқе, анави, қизалоққа дори-дармон олувдим-ку-я".

Бирдан ўрнимдан сапчиб туриб кетаман. Кўз олдим
хира тартади. Юрагим гулгиллаб ура бошлайди. Лаҳ-
зада Ҳаёлимда менга ажабсиниб қараб турган мовий
кўз қизалоқнинг ранглар чехраси пайдо бўлади.

— Отахон, ўша самолётда мен ҳам бор эдим, мен ҳам
учишим керак эди!

Чол менга ажабсиниб қарайди:

— Мастмисан, нима бало?

Кўзларимни чирт юмиб бош иргайман. Айнаи дам мен
ўша аёл, исми Зоямиди, ҳа, Зоянинг қизи учун сарфла-
ган пулларим садақа ўрнига ўтиб кетганини ҳис қила-
ман. Яратганининг меҳри ва қудратига тан бераман. Мени
садақа кўтариб қолганини англайман. Ҳаёлимда яна
ўша мовий кўз қизалоқнинг маъсум ва озурда чехраси
намоён бўлади.

Ўзбектош ҚИЛИЧ

ВАТАН БИЛАН УЛУҒВОРМИЗ



Ким унга кўз тутса, ишончини оқлаб,
Умид боғин етим қилмасин йигит!

Ватан билан улуғвормиз,
Эртасидан умидвормиз,
Бир дарахтдай ўсиши-ю,
Гуллашига сабабқормиз,
Йўлларини супураваркан,
Биз Ватанга хизматқормиз.

Менинг ўғлим туғма чавандоз,
Сенинг отинг чопағон, дўстим.
Отингни бер, кучлар бирлашсин,
Бўлайлик қўш чемпион, дўстим!
Дўмбирамни қизингга берай,
Сенинг қизинг — менинг ҳам қизим.
Дилни куйга, нурга тўлдир-ай,
Тутаиш йўллар чароғон, дўстим!

УМИД ЙЎЛЛАРИ

Ота умид боғлар ўғлин йўлига,
Кувончидан қувнаб яшасам, дегай.
Она ҳам умидвор дуоларида,
Ҳалол меҳнатидан ҳосил тилагай.

Кувейлик тўнида кўркам бир йигит,
Бир ожиза умрин нурга тўлдирсин.
Янги ой ним қулиб, умидли боқар,
Не касб бошин тутса, йўлини берсин.

Эр йўлини кутар ёр умид билан,
Боламининг бахтига омон бўлсин, ҳўп.
Хаста тунларида ҳасратдош, дарддош,
Ишонар амали ваъдасидан кўп.

Тупроқ қадрин билса миллат,
Гуллар унар чаманзоримиз.
Ҳар ҳовучи тўла ҳикмат,
Англолмасак тиканзоримиз.
Биз Ватанга хизматқормиз,
Шунинг билан улуғвормиз,

Бир томиримиз ким бўлсак ҳам,
Шифокор ё тадбирқормиз.
Ипак йўлин юрагида,
Азал сарбон, ҳам сарқормиз.
Биз Ватанга хизматқормиз,
Шундан буюк, улуғвормиз,

Адолатнинг фасли Темур,
Меросига дахлдормиз.
Юракларда ёққан маёқ,
Нур таралган минг минормиз.
Биз Ватанга хизматқормиз,
Бир ўғлондай нажотқормиз.

Бир шеър ёзсам, охири йўқ шеър,
Иймон ҳусни нур сочса унда.
Чуқур томир отса тафаккур,
Ватан расми акс этса бунда.
Бир шеър ёзсам... Ёдда қолгудай,
Байроқ бўлсин абадиётга.
Қалб ҳайқали мендан кейин ҳам,
Хизмат қилсин адабиётга.

БОБУРНИНГ КЎНГИЛ БАЙРАМЛАРИ

Давоми, Бошланиши 1-саҳифада

Асарда айнан кўнгил сўзининг кўп ишлатилиши, у билан боғлиқ руҳоний талқинлар унинг дилтор-тарлигига сабабдир. Ушбу мемуар асарда воқеалар тасвири, уларга муносабат билдириш билан бирга кўнгилдаги кечинма ва туйғуларни ифодалашга мойиллиқнинг кучлилиги сезилади. Кўнгил билан боғлиқ тасвир-ифодалар эса Бобур шахсини, унинг руҳониятини очишга имкон беради. Асарда муал-лифнинг тутган бу йўли, аслида, унинг шоирлиги билан боғлиқ. Шу боис ҳам шоир кўнгил, шоирқалб шохнинг қисмати бошқа шохларикидан ўзгачароқ кечди. Катта ва аёвсиз жанглар олиб борган, зарур бўлганда кучли сиёсат юргизган ҳукмдор кўнгил-да шоир эди. Бўлмаса, Ҳиндистонда эканида, унга яхши кўнлари ўтган юртидан келтирилган қовунни еб туриб йиғлармиди ёки йиғлагани тақдирда ҳам уни китобда битган бўлармиди?

"Бобурнома"да кўнгил, айниқса, шеърларда кўринади. "Бир неча кун кўп ташвиш ва машаққат-лар тортилди. Умр бўйи бунча машаққат тортмаган эдик. Бу матлаъ ўша фурсатда айтилди", деган шоир ушбу байтни келтиради:

**Чархнинг мен кўрмаган жавру
жафоси қолдим?
Хаста кўнглим чекмаган дарду
балоси қолдим?**

Шеърнинг изтиробдан туғилиши, кўнгилга тас-кин, мукаммалликдан уйғунлик топишга интилиш махсули эканлиги намойён бўлаверади:


**Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.**

Ёки:
**Менинг кўнглумки гулнинг
ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур.
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи
не имкондур?**

Бироқ "Бобурнома"даги насрий ифодада ҳам кўнгил сўзининг юздан ортиқ ўринда қўлланиши, бу сўз орқали ифода топаётган маъно-мазмун кўпинча шеър каби нозик эканлигини англаштира-ди. Улар кўпроқ Бобур кўнглини ифодалайди ёки Бобурнинг ўзгалар кўнглини нозик ҳис қилишини кўрсатади. Хожа Калон билан кечган воқеалар таф-силотидан сўнг шоир шундай деб ёзади: "Хожа Ка-лоннинг бу ерда қолишга кўнгли йўқ эди. Биз шунга қарор қилдик: Хожа Калон кўп навкарли киши эди.

Совғаларни олиб, жўнаб кетсин. Кобул ва Фазнада одам жуда кам. Уларни қўлга олиб, у ерда ҳокимият ва тартиб ўрнатсин".

Бобур ўз ҳаётида ва кўнглида кечган фараҳли кўнларини ҳам асарга кўчирадики, баъзан унинг кўнгил байрамларига гувоҳ бўламиз. Жумладан: "Муҳаммад Ҳумоюн, бир йилдирки, Бадахшонда, дийдоримиздан айро тушганди. Бизни соғиниб, Бадахшонни куёви Мирзо Сулаймонга топшириб, бир кунда Кобулга келади... Биз унинг онаси билан отини айтиб, сўзлашиб ўтирган эдик ҳамки, келиб қолди. Кўнгиллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чирро-дек ёришди. Ҳар куни зийфат бериларди. Кейин унинг ўзига тўй бериб, хурсандчилик қилдик ..."



Фарзанди дийдоридан фараҳбахш ўтган кўн-ларини тасвирлаган шоир бошқа бир ўринда ин-сон умрининг бир дақиқа, ҳатто сониялар ичида йўқликка маҳкум бўлишини, бутун ўтган умрнинг қиммати ўша сонияларда ҳал бўлиши мумкинлиги-ни китобхонга кўнгил орқали узатади: "Йўлда ке-тишда Қанбардай ва Қосимбек билан от чоптирдик. Менинг отим ўтди. Уларнинг оти орқада қолганини кўриш ҳаёлида қайрилиб қарадим. Айил бўшаб

қолган экан, эгар айланиб кетди. Бошим билан ерга йиқилдим. Гарчи ўша заҳоти ўрнимдан туриб отга миниб олган бўлсам-да, эсим оқшомгача аслига келмади. Бу оламда ўтган воқеалар туш ва ҳаёлдек кўзим ва кўнглимга кўринар, кечар эди".

Яна бир сафар қаттиқ бетобланган шоир ўзи-нинг соғайиб кетишига ҳам кўнглига келган бир фикрнинг (инончининг) сабаб бўлганини шундай баён қилади: "Сафар ойининг йиғирма еттинчиси-да, сешанба кечаси Ҳазрат Хожа Ўбайдуллоҳнинг «Волидия» рисоласини назмда битиш кўнглимдан ўтди. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглимдан ўтказдимки, агар бу манзума ҳазратга мақбул бўл-са, «Қасидаи Бурда» соҳибига ҳудди у зотнинг қасидаси мақбул тушиб, фалаж касалидан халос бўлгани каби мен ҳам бу хасталиқдан қутулгайм-ман ва бу назмининг қабулига далил бўлмай. Шу ният билан рисолаи «рамали мусаддаси маҳбуни маҳзүф» вазнида назм этишни бошладим".

Бобур катта воқеалар ичида ҳам кўнгилнинг турфа қолатларни топиб, уларни ифодалашдан завқ олди, унинг китобхонга ҳам завқ беришига ишонди.

"Бобурнома"нинг мукаммал нусхаларидан бирини кўчирган котиб Бобурда мужассам бўлган саккиз сифат — фазилатни санаб, улардан бири — лашкарнинг кўнглини ола билиши ва адолат-пеша эканлигини таъкидлайди. Чиндан, ҳалқнинг, кўшиннинг кўнглини кўтарган Бобур халқпарвар ҳукмдор, раҳнамо саркарда сифатида гавдала-нади. "...Ҳамма сафда ўз жойини эгаллаганидан сўнг, отда илдам бориб, ўнг қанот, чап қанот ва марказдаги бек ва йигитларнинг кўнглини кўтариб, ҳар бир қисмининг қаерда туриши ва қай йўсинда юришини белгилаб, кўрсатдик. Ушбу тартиб-инти-зом билан биз бир куруҳча йўл босиб, тўхтадик..."

Бобурнинг кўнгил ҳақидаги гаплари ўз-ўзини тафтиш қилишга ҳам алоқадор. Ҳамиша кўнглининг муродига етилишни истаб яшаган, бу муродга эришиш учун тинимсиз дунё кезган, ўз кўнгил оламини кезган, ўзгалар кўнглини авайлаган шоир бир рубойисида бу-ларнинг барчасини мужассамлаштиради:

**Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши,
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
Бошин олиб бир сориға кетса киши.**

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,
филология фанлари номзоди, доцент

«МАНГА УЛ КИМ АНИСУ СОҲИБДИР...»

Алишер Навоийнинг дўстлари ҳақида

Иккинчи мақола

Мавлоно Фасихиддин Соҳибдоро Амир Алишер-нинг энг яқин ҳамсуҳбатларидан бўлиб, ўзини Амир-нинг хизматига бағишлаган содиқ дўстларидан бири эди. Хондамирнинг ёзишча, Амир Алишер у ҳақда қуйидаги байтни айтган экан:

Манга ул ким анису Соҳибдур.

Туну кун ҳамдаму мусоҳибдур.

Амир Алишернинг қадрдон дўстларидан яна бири Фасихиддин Муҳаммад Низомий эди. У дунё-вий илмлардан яхши хабардор олим бўлиб, Навоий у билан суҳбатлашишдан ҳамisha завқ олارد: "Ҳоло ўттуз йилга яқин борким, ифодага машғул-дур. Зоҳир улумидин ҳеч қайси бўлмағайким, дарс айтмағай. Ва ҳар бир илмки айтур, кўлида ҳавоший ва муфид мусаннафоти борким, уламо андин баҳра-манддурлар... Бо вужуди мунча камол бу фақир-нинг таназзул қилиб сафар ва ҳазарда кўпрак авқот ўз шариф суҳбати билан мушарраф қилур". Хонда-мирнинг қайд қилишча, Фасихиддин Низомий қирқ йилга яқин Амир Алишернинг суҳбатдоши бўлган. Ул ҳазрат кўпинча дунёвий дарс китобларини у жа-ноб ҳузурда мутолаа қилган.

Хожа Ҳофиз Деҳдорнинг Амир Алишер билан танишуви ва уларнинг кейинги дўстлиги тарихи ўзига хос. "Бадоеъ ул-вақоеъ"да шундай келти-рилади: "Деҳдор Озарбайжон вилоятидан Амир Алишер билан суҳбатлашиш мақсадида Хуросонга келди... Амир Алишер Абдуллоҳ Ансорий мазоридда ўзи солдирган қорбоғда эди... Ҳофиз қараса, Мир ёлғиз ўтирибди... Мир ўзи томон келаятган бегона кишини кўриб: "Сиз кимсиз, менинг ҳузуримга нега келаясиз?", деб сўради. Ҳофиз айтди: "Мен ўзимни ҳар жиҳатдан таърифлаш учун келдим". Мир ажаб-ланди ва деди: "Яқинроқ келинг, гапингизга ҳай-рон бўлдим, ўзимни ҳар жиҳатдан таърифлайман" деганингиз нимаси?" Ҳофиз ўзини мақтай кетди... Мир: "Эй азиз, агар сен айтган нарсаларнинг бит-таси рост бўлса, менга сендан яқин ва улфат одам оламда бўлмайди", деди ва барчани қорлади. Ҳам-ма жам бўлди. Мир Ҳофизга деди: "Ёдоф ва даъво қилдинг, энди хунарингни кўрсат!" Ҳофиз аввал Куръон ўқиди... кейин газал ўқиди. Сўнг ашула айт-ди. Кейин дoston ўқиди. Ҳар ким ҳар илмдан савол берса, уларга ҳам жавоб бериб, ғолиб бўлди. ...Мир-нинг буёйғу билан ун бош кўй келтирдилар. Ҳофиз ошпазлик қилиб, ҳаммага манзур бўлди. Шу-шу, у Мирга яқин одам бўлиб қолди. Бирор одам унчалик яқин бўлмаган".

Алишер Навоийнинг кўпгина дўстлари салоҳият-ли олимлар эдилар. Навоий уларни ўзи қурдирган "Ихлосия" мадрасаси мударрислигига тайинлаган. Ҳеч пайт унинг давраси ушбу олимлардан холи бўлмасди. Шулардан бири Мавлоно Бурхониддин Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний эди. Алишер Наво-ий "Маҷолис ун-нафос" асарида у ҳақда шундай келтиради: "Мир Атоуллоҳ — Нишопурдиндур. Ан-дин илм таҳсил учун шахрга келди. "Кофия" ва "Мутавассит" ўқур эрди. Донишманд бўлгунча бир наъв мустахсан машоққа муваффақ бўлдимки, андин ортиқ мумкин эрмас. Бо вужуди донишмандлик, шеър ва муаммо ва саноеъда дағи маҳорат пайдо қилди ва муаммога кўп машғул бўлур эрди. Ҳоло сабақ касратидин анга авқоти вафо қилмас, аммо саноеъда китобе тасниф қилубдур, "Бадоеъи Атоий-га" масвумдур". Ушбу асар Алишер Навоийнинг та-шаббуси ва раҳбарлиги остида бажарилган бадий санъатлар шарҳини ўз ичига олган бебаҳо қўлан-мадир. Амир Алишер ҳамisha дўстининг молиявий ва моддий таъминотиға алоҳида эътибор берар, ти-рикчилик юкини енгиллаштиришга ҳаракат қиларди. Хондамир шундай келтиради: "Бир куни Мир Ма-воно Фасихиддин Соҳиб билан шатранж ўйнамоқда эди. Шу пайт тўсатдан Бурхониддин Атоуллоҳ кириб келди. Ул ҳазрат (Алишер) илтифот ва кўнгил сўраш йўли билан қаердан келаятгани ва нима ташвишлар билан юрганини сўради. Амир Бурхониддин шундай жавоб берди: "Ҳар кун "Ихлосия" мадрасасига узак йўлдан қатнаш ташвишдан қутулиш учун мадраса атрофидан минг динор кепакийга ҳовли олмақчи эдим. Бир ҳовли топдим, аммо бир амалдор пай-до бўлиб, мен тақлиф этган маблағ устига бир оз қўшиб сотиб олиш ниятида. Сотувчи энди унга сот-моқчи. Сиздан илтимос, ўша амалдорга ҳовлини олишдан воз кечиши ва менга қолдириши учун бир хат ёзиб берсалар". Шатранж ўйини тугагач, Амир Алишер у зотга хитоб қилиб: "Агар кимдир мадраса-га яқин, майдони кенг, иморати кўп ва баҳаво жой-дан бир ҳовлини сизга тортиқ қилса, муносиброқки ёки сиз айтган ишни қилса маъқулми?" деди. Улуғ насобли жаноб бу сўздан шодлик ва хурсандчилик изҳор этди... (Амир Алишер) ўзига қарашли Муҳам-мад Муиндан қолган кўнгличор ва хушҳаво жойда-ги ҳовлини у жанобга ҳада этди".

Алишер Навоийнинг яқин ҳамсуҳбатларидан яна бири Атоуллоҳ Асилйидир. Хондамир "Хулосат ул-ахбор"да у ҳақда шундай ёзади: "Атоуллоҳ диний ва яқиний илмлар бўйича зўр камолот ҳосил қил-

Шўхрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети ректори, филология фанлари доктори, профессор

ган, шарофатли ҳадис илмини таҳқиқ қилишда шак-шубҳасиз Хуросон диёрида унга тенг келадигани йўқдир... Кўп вақтлардан буён шарофатли Султо-ния мадрасасида ва фазилатли Халосия хонақоҳида дарс бериш билан банд. Олижаноб амрга бағиш-лаб "Равзат ул-ахбор" номли китоб ҳам ёзганким, бундайини ҳали бирор киши ёзмаган бўлса керак. Дарёдил амир Алишер одил подшоҳ Султон Ҳусайн ҳукмронлигининг бошларидан то шу кунгача улуг ва баланд мартабалик ул жаноб ҳақида кўп ғамхўр-ликлар қилди". Атоуллоҳ Асилйи айна шу асарда амир Алишердан қўрган яхшиликларига миннатдор-чилик сифатида қуйидаги ажойиб бир шеърни ёзиб қолдирган:

**Амир ки фазлу илму раҳмат,
Ва барру эҳсону лутфу инъом.
Валил-мулк минху иззату маҳобат,
Вад-дин, вад-дунё низому интизом.
(Амиридир илму фозилик,
Муруввату эҳдик, лутфининг.
Мамлакатда ундан буюклик,
Низомидир дунё ва диннинг.)**

Ла зола рукна-салтана ва муқарраб ал-ҳазрат ас-султония, Низом ад-давла ва-д-дунё ва-д-дин Амир Алишер ки, бодо давлати у дар жаҳон дер.

**Сухан ба мадҳи ту оростан ғараз он аст,
Ки пеши аҳли ҳунар минбаре бувад моро.
В-агар на маънабати офтоб маълум аст,
Чи ҳоҷатест ба машшота рӯи зеборо.**

(Амир Алишер шу пайтгача салтанат устун, сул-тон ҳазратларининг яқин кишии ва давлату дину дунё низомидурким, унинг давлати жаҳонда узок турсин.

**Сенга мадҳ айтишдан мақсадим шуки,
Бўлган мадҳинг ҳунар аҳлига минбар.
Равшан бўлганидек қуёш хизмати,
Пардозга зормас-қу, гул юзли дилбар.)**

Мавлоно Муҳаммад Бадахший ҳам Алишер На-воийнинг яқин суҳбатдоши эди.

Хондамир шундай ёзади:
"Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Бадахший бағоят хушсуҳбат, ширинсўз, хушчақчақ, дарвишваш, латифтабъ ва фозил киши. Кўпроқ муаммо фанида катта маҳоратга эга бўлган, қарийб ўттиз йилдан буён бахту саодатга чўшиб олий ҳазрат амир Алишер мулозаматида кун кечирмоқда ва унинг тарбияти ҳамда инояти билан кўни тунга, тўни кунга улаб, фароғат ва осойишталикда ҳаёт кечирмоқда. Му-аммо илми баёнида мукаммал бир таъкира битган". Мир Алишер ҳам у ҳақда "Маҷолис"да илиқ гаплар айтади: "Мавлоно Муҳаммад Бадахший — Кундуз-нинг Ишкмиш отлиқ кентидиндур. Аввали ҳолида андин таҳсил учун келиб, Самарқандга борди ва бир неча вақт анда сабақ ўқуб Ҳирйига келди... Ҳоло таъб аҳли орасида андин сомонлиқроқ киши йўқдур. Подшоҳ ва гадоға мақбул ва мулоимдур. Ва бу му-аммо фанида рисола битибдурким, кўп эл орасида машҳур ва шоёёрдур..."

Алишер Навоийнинг яна бир дўсти Камолиддин Ҳусайн ал-воиз ал-Кошифийдур. У нуфузли олим ва воиз эди. Хондамир шундай гувоҳлик беради: "У ақлий ва нақлий илмларнинг барчасидан тўла баҳраманддир... Тангри қаломининг тафсири ҳамда ҳазрати рисолатпаноҳ пайғамбар ҳадисларининг маъниларини минбардан туриб ғояда покиза ва маъноли қилиб тушунтиради... Ул жаноб нужум ил-мида ҳам зўр маҳоратга эгадирлар. Унинг бағоға-тоётлик ҳамда фасоҳотсифотлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олиймақом Амир Али-шернинг атоқли номи билан зийнатланган".

Шунингдек, табиблар пешвоси Мавлоно Дар-вишали, тарихчи Мирхонд, ҳофиз ва хаттот Ҳо-физ Муҳаммад Султоншоҳ, "Ихлосия" мадрасаси шайхи ва "Кудсия" масжиди имом-хатиби Ҳофиз Жалолиддин Маҳмуд, "Гавҳаршодбегим" масжиди имом-хатиби Мавлоно Ҳожи Машҳадий, ғижжақ, уд ва қўбۇз чалувчи Устод Қўлмуҳаммад Шибирго-ний, муаммо жанри устаси Мир Ҳусайн Муаммоий, Хожа Камолиддин Удий, Мавлоно Масъуд Ширво-ний, Мавлоно Нодирий Марвий, Мавлоно Муҳам-мад Муаммоий, Хожа Масъуд Қумий, Мавлоно Қа-булий, Ҳофиз Ёрий каби санъаткор ва ижодкорлар Амир Алишер билан дўстона алоқаларда бўлиб, доимий равишда унинг йиғинларида иштирок эт-ганлар.

"Маҷолис ун-нафос" асаридан унинг ёшлик-даги дўстлари ҳақида ҳам бир мунча тасаввур олиш мумкин. Масалан, Самарқандда яшаган даврда Фазлуллоҳ Абдуллайсининг ўғли Хожа Хованд ва Мавлоно Юсуф Бадеий билан яқин дўстона алоқада бўлган. Султон Абу Саъид Мирзо замонида Ҳирот-да подшоҳ тарихини ёзаётган Мавлоно Абдусамад Бадахший билан яқинлашган, у орқали Мавлоно Субҳий Ўбайи билан дўстлашув, Мавлоно Муҳам-мад Муаммоий, Хожа Ҳасан Хизрошх Астрободий, Хожа Масъуд Қумий, Ҳофиз Ёрий билан танишиш тафсилотлари қайд этилган..



Ўтган асрнинг олтинчи йиллари, Ҳу-жанд педагогика институтида сиртдан ўқиб, мактабда ишлардим. «Совет Тожикистони» га-зетасида чоп этилган шеърлар, ҳикоялар, одоб-ахлоқ мавзусидаги мақолалар, фелъетонларни севиб ўқирдим. Қосимжон Мамажонов, Соли-жон Қаҳҳоров каби устозларнинг чиқишлари-ю, Ўлмас Жамолнинг илк ғазаллари мени тамоман сеҳрлаб қўйганди. Солижон ака билан хат ёзи-

ЖИСМИЮ ЖОНИДА ШЕЪР Шоир Ўлмас Жамолни хотирлаб

шиб турардик. Ҳеч қутилмаганда у киши, вақт топиб Душанбегга келинг, қиндан танишамиз, деб қолди. Мен қушдай учиб бордим ва сафар мобайнида Ўлмас ака билан танишдим. У киши мени "Ҳаёти наъ" кўчасидаги пасткамгина, эски уйида меҳмон қилди. Шу-шу туғишган оға-ини-лардек қадрдонлашиб кетдик.

1979 йил ёзида Душанбегга кўчдим. Ижара-да туриб газетада ишлаш бошладим. 80-йиллар бошида Жўрабек Муродов «Ўзбекистон ўғлидур-ман, тоғимим гуфто писар» кўшигини жарангла-тиб қўйлаб юрган кезлари собиқ марказкомнинг биринчи котиби Раҳмон Набиев ҳофиздан бу ким-нинг шеъри деб сўраб қолади. Бу Ўлмас Жамол деган ўзбек шоириники, уйи бир тепсангиз йиқи-либ кетади, дейди ҳофиз. Шундан сўнг биринчи котиб саховат кўрсатиб, Ўлмас акага тўрт хонали уй бериладиган бўлди. Устознинг эски ҳовлиси менга қолди.

Ҳовли ўртасидаги эскигина чорпоёда устоз билан чаргон юлдузлар жимирлаб турган осмон остида неча марталаб тонготар суҳбатлар қилган-миз. Адабиёт, шеър шоирлик, одамгарчилик, ижодкор шахсияти ҳақида баҳslashардик.

— Ўлмас ака, — дедим бир кун у кишига юзла-ниб, — биламан, дунёга қандай кўз билан қарашда гап кўп. Шеърларингизда яхшилар ва яхшилик бўртиб кўринади. Нега ижодингизда қора ранглар кам? Менда эса аксинча.

— Жамшиджон, одамларнинг озурда кўнгли-ни биз шоирлар яна оғритмаслигимиз керак. Ёмонни ёмон десанг, тарикча қўшилади, дейди-лар-ку.

**Бир томонда гулга боқиб
жилмаяр гулгун санам,
Бир томонда маҳлиёйди унга**

**кўп пайваста гул.
Бундай кўтаринки оҳанг, чин ошиқларга хос
ишқ-муҳаббат, дўстлик тараннуми устоз ғазали-ётида етакчилик қилади. Шоир шеърятининг
бадий хусусиятлари, ижодий услубияти, образ-ларий, шеърый санъатлари, маҳорати ҳақида со-атлаб гапириш мумкин. Унинг тўрт девони ҳақи-да алоҳида тадқиқот ўтказиб, монография ёзса
бўлади. Шояд, шундай адабиётшунос ҳам чиқиб
қолар, умрини адабиётга бағишлаб, ёниб яшаган
Ўлмас Жамол хизматларининг муносиб баҳосини
берар.**

Ўзбекистон ва Тожикистонда машҳур санъат-корлар — Фахриддин Умаров, Камолиддин Раҳи-мов, Олимжон Орифжонов, Мастона Эргашева, Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев ва бошқа ун-лаб ҳофизлар устоз ғазалларини эл-юртга танит-дилар, шоир ва шеър қадрини баланд кўтардилар ва бу қўшиқлар санъатимизнинг олтин хазинаси-дан жой олди.

«Совет Тожикистони» газетаси устозга ҳам, менга ҳам, бизга ўхшаган бошқа кўплаб ижодкор-ларга ҳам чинакам ижод ва ҳаёт мактаби бўлди. Эзгулик ва тубанлиқни, меҳр ва шафқатсизликни ёнма-ён кўрдик. Бизни ўзоқ жойларга, институт ва ўрта мактабларга, тўю томошаларга тақлиф қил-дилар. Одамлар тинимсиз китоб, газета, журнал ўқирди.

Ўлмас ака ихлос қўйса арзийдиган чинакам инсон ва шоир эди. Унинг ғазаллари камалакдек жилоланиб туради. Тахририятда ишлаётганим-нинг бешинчи йили машқларимни тўплаб, юпа-гина китобча туздим. У пайтда 3-4 нафар уюш-ма аъзоси тақриз-тавсиянома ёзмаса, нашрга топширилмас эди. Ўлмас ака мамнуният билан тақриз ёздилар. Тўплам нашр этилди. Устоз То-жикистон Ёзувчилар иттифоқига киришим учун ҳам тавсия берди. Бутун бошли ҳовлисида икки йил паноҳ топдим.

— Шеърят туйфайли бир-биримизга меҳр қўй-дик. Шеърят боқий бўлса, биз ҳам унинг бир ва-рағи қатида бормиз. Сизга барча олам шодлиги ва иқболлини тилайман, — деганди умрининг сўнгги йилларида.

Ўлмас ака яхшилик, эзгулик кўйчиси эди. Фақат одамларнинг яхши томонларини кўради-ган, ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қиладиган неқбин зот эди.

Камтарлик, соддалик, оддийлик жисму жо-нига сингганди. Шогирдларини бошига кўтариб, уларнинг ғазалларига муҳаммаслар боғларди. Ҳаммага бирдек меҳр кўргизарди. Ўлмас ака ёлғиз ўғил эди. Исми жисмига монанд шоир бў-либ танилди. Қўлаб ғазаллар, достонлар ёзди. Бир мувашшаҳ битувдим тириклик чоғларида.

**Ўлмайн шу кунга етдим,
жисмию жонимда шеър,
Лабларим чанқоқ майига
ишқ карвонимда шеър.
Минг шукр, ёлғиз дебон
ўқситмади тақдир мени,
Ахтариб топган бисотим —
дўстларим, ёнимда шеър.
Сиз менга ҳаргиз деманг:
ўтмоқда умринг беҳуда,
Жон-ку бир арзанда меҳмон,
бонг урар қонимда шеър.
Айланай қоматларидан
бешумор шогирдларим,
Менга пок давлат, жаҳоир,
ғазнаю қонимда шеър.
Оқибат кўргүзсангиз
хор этмас эл, дерди отам,
Лашкари қайғуга қалқон
тоза осмонимда шеър.
Гар менга бўлса насиб
она халқимдан дуо,
Арз этай: умримни тиктум,
ҳар нафас, онимда шеър.**

Ўлмас аканинг дусту ёронлари мен учун одамай-лик мактаби бўлди. Улар менга ҳам ўз туғишганла-римдай меҳр кўргиздилар. Бу ҳассос меҳрибонлик бошида, албатта, катта ҳарфлар билан ёзилдиган чин инсон ва шоир турибди. Буларнинг ҳаммаси учун Ўлмас акадан тоабат миннатдорман.

**ЖАМШИД,
шоир**

Тожикистон Республикаси

Атоқли фольклоршунос, шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Музайяна Алавия (1909 — 1988) ўзининг илмий, ижодий фаолияти билан халқ оғзаки ижоди тарғибига, ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган сиймолардан. Олиманинг ўзбек халқ достонларининг бадиий-эстетик хусусиятлари, маросим фольклори бўйича тадқиқотлари, халқ ижодкорларидан ёзиб олган ва нашрга тайёрлаган асарлар ("Оқ олма, қизил олма", "Интизор", "Далли" каби), "Одамлилик", "Дил нидоси", "Севинчларим" сингари шеърӣй ва насрий китоблари бугун ҳам илмий, тарбиявий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Музайяна Алавиянинг илмий, адабий мероси орасида ҳали чоп этилмаган асарлари талайгина. "Баъзи бир шеърӣй кузатишлар" мақоласи шулар сирасидан. Қуйида илк бор эълон қилинган ушбу мақоланинг биринчи қисми билан танишасиз. Мақоланинг давомини газетанинг навбатдаги сонида ўқийсиз.

Тахририят

Юсак маҳорат, теран билим, чексиз муҳаббат билан юзага келган ғоявий, бадиий баркамол санъат асари одамнинг ҳар томонлама комил инсон сифатида воёга етишида муҳим роль ўйнайди. Билма-мизки, ҳар бир санъат асарининг бадиий хусусияти, қонун-қоидаси бор. Турлича тасвирлаш воситаси, ғоявий йўналиши, мазмуни бўлади. Сўз санъати бўлган шеърӣятимизда ҳам кишиларнинг маънавий бойлиги ва гўзаллигини, ҳаёт билан бирга одамга, оламга бўлган муносабати тасвирланган экан, шунда лирик қаҳрамоннинг дунёқарашини, руҳий дунёсини очилади, ифодалашда турли бадиий приёмлар қўлланади.

Шоирнинг эътиқоди, граждонлик туйғуси, эзгу нияти, олийжаноб мақсади ва меҳри, маҳорати билан яратилган асари таъсирчанлиги билан ёш авлоднинг табиатини шакллантиришга хизмат қилади. Етук инсон сифатида танитади. Натижада одамнинг пок руҳи азгуликка интиладиган, ёвузликдан қочадиган бўлиб қолади. Шеърда ҳурматимиз, муҳаббатимиз, завқ-шавқимиз изохори ўз ўрни, ўз вақти, ўз тарихи билан ўз эгасига қаратиб ифодаланади. Масалан, фарзандни эркалаганда, суйганда қўланадиган "қўзичоғим, овунчоғим, толпинчоғим" каби сўзларни ота-онага қарата айтилмайди. Ота-она фарзандга, қариндошга "қадрдон" сўзини ишлатиши жоиз эмас. Бу сўз туғилган кишига эмас, узоқ вақт синашта бўлган, таниш дўст кишига "Қадримни билган қадрдоним", "Ота қадрдоним" (отани ҳам билган, дўстлашган) эски қадрдонга айтилади.

Тил маданиятини ўргатадиган шоир сўзининг маъносини ҳам ўрнида ишлатишни билмай, нотўғри қўлласа нозикфаҳм зариф, билимдон кишилар шаллоқ егандай бўлади. Фарзандга жигарбанд, жигаргўша сўзлари қўлланмайди, бу сўзлар қариндошга ишлатилади. Қўшиқ атамаларини ҳам тўғри билиб ишлатиш керак. Масалан, алёр ичкилик мажлисларида айтилган қўшиқ. Ҳозир баъзилар уринсиз "алёр" сўзини шеърда қўлайдилар. "Алёр"нинг қай вақтда айтилганини билганлар эса ранжийди. Радио, телевизорда айтил-

ган бир қўшиқда "Ҳар гўшада бир висол" ибораси ёки "Шудрингдаги шалола" деган иборани эшитган инженер Қосим билан аптекачи Аҳад бир-бирларига қараб, заҳарханда билан: "Булар нима девяттанини ўзи бил-маса керак", деб қўйдилар. Чиндан ҳам "Ҳар гўшада бир висол" бўлса, нима бўлади ўзи? Шудрингда ҳам шалола бўладими? Яна бир қўшиқда "Олиб қолинг, олиб қолинг, раъно гулу чиннигул" дейилади. Гул сотувчи қиз раъно гулнинг эрта баҳорда очилиб тамом бўлишини, чиннигулнинг ёз, куз фаслида очилишини билмай харидор қақирадимиз? Қани мантиқ? Бундай мушоҳадасиз, аниқ тасаввурга эга бўлмай туриб ёзилган шеърнинг қўшиқча қўшиб қуйилиши шеърдан ҳам, қўшиқдан ҳам бездиради, холос!

Ижтимоий турмушнинг турли томонларини очиб учун қарама-қарши қўйилган образ, ҳаяжонли пайтлар ифодаси учун табиат манзараси, ҳодисалари ёрдамга келади. Кишининг руҳий кечинмалари кўриниб турган нарсаларга параллел келтирилиши ижодни ҳаётга яқинлаштиришдан ташқари, одамда кайфият туғдириб, таъсирни кучайтиради.

Табиийлик, ҳаётийлик юзага келиб, завқ ҳам беради. Турмуш ва табиатни тасвирлаганда ифодаси учун унинг хусусиятини очадиган сўз, ибора, таъбирлар қўлланади. Қўшиқ бўладиган шеър услубидаги умумий хусусият шуки, образ мусиқийлик билан очилади. "Шоир, умуман, санъаткор қўйилган масалани билиб, ҳис этиб, ҳар томонлама тушуниб, кўз олдида келтириб ижод этиши керак. Ҳаёт тажрибаси, кузатувчанлиги кучли бўлиши лозим. Фаросат чироғи билан кўриб турадиган бўлиши шарт. Кўзни чаросга ўхшатган биттасига: "Агар кўз чаросга ўхшаб қолса нима бўлади? Ҳеч кўз олдингизга келтирасизми?" десам, у: "Ҳа, сизга ёқмадимиз?", деди. Ярим ҳусн ҳисобланган кўзининг чаросга ўхшаб қолганини тушда ҳам кўрмайлик!

Яна биттаси маъшуқанинг оғзини ўймақча, лабини қаймоқча ўхшатибди. Тўғриси, шеърӣят бундай бадахзам ўхшатиш, сифатлашларни қабул қилмайди.



Музайяна АЛАВИЯ

БАЪЗИ БИР ШЕЪРӢЙ КУЗАТИШЛАР

Ҳақида эҳтиёж сезиб туради. Кимдир шеърини ўқиб: "Бу ерда фикр тушунарсиз ёки бу ибора, бу сўз халқда қўлланмайди, шеър сифатида ҳеч кимга ёқмайди", деб қўлишдан тортииб узоқ ўйлаб ёзади. Мана шу андиша билан, табиий ҳолда, одамлилик фазилатини эгаллай бориб, элининг, ерининг суюкли шоири бўлиб қолади. Кўпчилик ҳурматлаган сари, шу ҳурматга лойиқ бўлиш учун ҳаракат қилади. Руҳидаги инсонпарварлик туйғуси билан истевдод ва иқтидорини биланлаштиради, ўрганишга йўналтириб меҳнат қилади. Ўтмиш аждодлар маънавий, бадиий ҳазинасини ўрганиш билан бирга, бошқа халқларнинг ҳам маданий бойлиги, урф-одати, миллий хусусиятига қизиқади. Бу руҳ бадиий асарда кўриниб туради.

Биз ёши катталар ҳозирги ёшларнинг диапазони кенглиги, тилларни билиши, оғоҳ ҳолда қалам тебратишга ҳавасимиз келади, севинамиз. Кўпчилигимиз у йилларда ҳашаматли ўқий олмадик ҳам. Адабиёт оламида бизнинг муҳаббат ва меҳнатимиз айланиб юрибди.

Баъзи қаламкашларнинг қўлга қарамай, қўкка қараб ҳаволаниб юришини кўриб ачинамиз. Илмда, санъатда "Тўлдим дейиш — тўқилмиш, етдим дейиш — йиқилмиш" дейдилар. Атрофдагиларга қараса, ўзидан кўра фойдалироқ, олиброқ, фозилроқ одамлар борлигини кўради. Ўзига ҳам, ўзига ҳам тўғри баҳо беради. Мутақаббирлик, ҳаволаниш кишини совуқ кўрсатади. Фозил Йўлдош ўғли: "Халойиқ кеккайган шоирни ёмон кўради, яхши достон айтса ҳам, тинглагиси келмайди", деган эди.

Бир маҳмадана гапга аралашиб, ўзини катта олиб ўлтирганда, ажойиб, ҳассос, билагон шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли: "Дунё шундай эканда, нечалар кўнди, нечалар кўчди, ўт ҳам ёнди-ўчди, шуни ўйламай йўрғага етаман, деган йўртқлар бор-да!" деган эди. Ўзини билмаган нодонларга қарата айтилган бу сермаёна гапда ишлатилган сўзларнинг, ибораларнинг қўли кўчманчи, ярим кўчманчи аҳолининг тирикчилик шароити ва шоирнинг олган таассуротини кўрсатиб туради. Ҳатто мақол, топишмоқлари ҳам шу турмушга тегишлидир: "Одам бўлиб сиёғи йўқ, мол бўлиб туёғи йўқ", "Сигир бўлиб сут бердим, ҳўкиз бўлиб куч бердим" каби.

Эргаш шоирни билагон дейишимизга бир далил — достонда йигит ташрифиди: шер сиёғли, бургут қабоқли, арслон билакли, қоплон юракли, аждаҳо ҳайбатли, йўлбарс келбатли, Рустам қувватли, Исқандар ҳўкматли, Жамшид шавкатли, олий ҳўмматли, Ҳотам саховатли деган сифатларнинг ҳар бири

ҳақида сўрасангиз, тўла жавоб бериб, кўз олдингизга келтириб қўярди. Ҳар бири ҳақида нақл қилиб ноқил ҳам бўлиб кетарди. Қаламкашларимиз ичида соқол билан мўйлабнинг, амаки билан тоғанинг фарқига бормагайдиганлар ҳам учрайди. Аввал билинг, кейин ёзин!

Тил ўткир, образ ёрқин, бадиий содда, кўпчилик қизиққан масала бўлса, кенг омма кўнглига тез йўл топади-да, кишиликнинг энг яхши фикр, ҳисларини тарбиялайди.

Фикр, тушунчалар, ҳолат ва қиёфалар лирик қаҳрамоннинг табиий, самимий кечинмалари орқали ифодаланади. Бу ҳол ғазалиёт, маснавиёт, рубоий, мактубот, ҳикоят, умуман, абётларнинг ҳаммасида кўринади. Ҳис-туйғуларнинг тез алмашилиши шеърнинг рангинлигини таъминлайди, таъсирни кучайтиради. Шунда аввалги мисрадаги фикрни кейинги мисра тасдиқлаб, тадрижий равишда асосий ғояни тўлдириб боради. Мантиқ жихатидан мустаҳкамлаб, фалсафий ҳулоса чиқаради.

Элга меҳринг бор, бузуқ

кўнглимга ҳам бир қарра бок,

Ким қуёшнинг тобидан

маҳрум эмас вайрона ҳам.

(Навоий)

Битта меҳр — қуёш сўзи келдими, албатта, зарра ҳам келади. Табиатда ҳам қуёш бор учун зарра бор. Обод, вайрона, бузуқ сифати кўнгил сўзига берилиб, исм ўрнида ҳам ишлатилади. Қуёш нуруни

обод, вайронага сочаверади, элга меҳри бор, бузуқ кўнглимга ҳам заррача (кичик, жуда оз) бок; буюкликда қуёш, кичикликда зарра бир-бирига тобе ҳам зид. Бу билан одам ўйлаб қолади. Маҳбубни қуёш рубтасига қўяди.

Юзи хуришдидин кўзлар қамашти,
Ва лекин тобидин жонлар туташти.

(Навоий)

Қуёшга тикилиб қараб бўлмайди, лекин тобидан жонга ўт кетади. Юзининг қуёши кўзни қамаштириб, жонни ёқади.

Шеър деган нарсаси илм, хушфаҳмлик, қобилият бўлиб, одамдаги саломат завқдан шеърӣй табиат туғилади. Соғлом ҳис-туйғулардан пайдо бўлган шавқ қанча кучли бўлса, шунча яхши. Маълумки, шоирдан самимият ва ҳиссиёт қутилади, шеърдан билим ва завқ талаб қилинади. Сўз, иборалар ҳам қоидага муносиб тушиб, латиф, ёқимли бўлади. Ҳазални олсак, лирик қаҳрамоннинг идеали ишқ-

муҳаббат ва маъшуқа орқали акс эттирилади. Маъшуканинг эҳсонидан ороийш, ахлоқидан осойиш топади. Дардидаги оғриқдан лаззат сезади.

Эй хуш, улким, бағримга бир

поларуҳдин доғ эди,

Ким ҳавосида сабодек жилвағаким боғ эди.

Ўтга ёғин гар берур таскин ва

лекин шавқидин,

Кўз ёшимнинг ёғини ўтлғи кўнглимга ёғ эди.

(Навоий)

Шеърда поларуҳсор ёр келдими, энди лолага тегишли сўзлар қўлланади. Боғ, баҳор, доғ, ҳаво, сабо, ёғин, қўқлам кўз ўнгимизга келади-да, бизда кайфият туғилади. Баҳор ҳам висолга ўхшатилади. Шоир баҳорни — висолни соғинади. Бу ҳар юракка боради. Ҳар ким ўз Лайлисини қўшиқча қўшгандай, ҳар ким ўз баҳорини ўйлайди.

Бўлмасанг оллимда ё кўнглимда бўл,

ё жонда бўл,

Манзилнингдур бари кўнглинг

қайда истар, анда бўл.

(Навоий)

Демак, кўнгил ҳам, жон ҳам, бошқаси ҳам ёрининг манзили бўла олади.

Шеър ўқувчини ўқлатиб қўяди. Руҳинг билан ҳам, вужудинг билан ҳам манзилнинг мен томонда, дейди.

Нашрга Лобар ҚўЧҚОРОВА тайёрлади.

ИЖОД ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон халқ артисти, таниқли опера хонандаси Женисбек ПИЯЗОВ билан суҳбат



— Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда санъат аҳли дилидаги гаплар ўз аксини топган.

— Бу муҳим қарор биз маданият ва санъат аҳлининг кайфиятини кўтариш билан бирга, зиммामизга катта масъулият ҳам юклади. Чунки биз нафақат қарорда кўзда тутилган имконият ва шароитлардан фойдаланишимиз, балки ижодий фаолиятимизни қайта кўриб чиқишимиз, олдимизга қўйилган юсак вазифаларни бажаришда ҳам-жиҳатлики намоён қилишимиз керак бўлади. Шу ўринда қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажариш бўйича маданият ва санъатнинг турли йўналишлари ривож учун давлат томонидан жуда катта маблағ сарфланиши назарда тутилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ва биз зиммामизга юклатилган вазифаларни бажаришга бугундан бошлаб киришимиз керак, деб ўйлайман.

— Ўтган йилнинг окҳирги ойда муҳлисларга янги концерт дастуригини намоийш этдингиз. Ай-

тинг-чи, концертдан ўзингизнинг кўнглингиз тўлдимиз? Хулосалар қандай бўлди?

— Халқ артисти унвонига сазовор бўлганимдан сўнг ҳар йили муҳлислар билан алоҳида янги дастур орқали учрашишни ният қилиб қўйгандим. Афсуски, пандемия сабаб 2020 йили яккахон концертиمنى ўтказолмадим. Шунинг учун ўтган йил охиридаги концерт дастурига жиддий тайёргарлик кўрди. Дастур тузишга бошқача ёндошдик. Биринчи бўлим классик йўналишда бўлди. Иккинчи бўлим жаз жанрига бағишланди. Учинчи бўлимда эса неополитанча-итальянча услубдаги, яъни эстрада-поп йўналишига яқин ашулаларни қўладим.

Ҳар бир яккахон концерт санъаткор учун имтиҳондай гап. Яъни биз муҳлислар олдида ҳисобот берамиз. Бошқаларни билмадим, ҳар йили концерт бериш менга ижод учун йўл очади, янги асарлар устида ишлашга мажбур қилади. Эски репертуар билан томоша-билан олдида чиқишни истайман. Муҳими, ҳар бир концертдан сўнг репертуарим бойиб бораверади. Бундан ташқари, мунтазам концерт берсангиз, муҳлислар сизни кутади. Демак, муҳлислар учун жиддий ишлашимиз керак. Меннинг концертлардан асосий мақсадим — халқимизни классикага, опера санъатига яқинлаштириш. Икки кунлик концертим муҳлисларга камлик қилди. Демак, халқимизда опера санъатига қизиқиш катта. Бу эса менга куч-қувват ва илҳом бағишлайди.

— Назаримда, сиз шу кунгача фақат чет элларнинг мухташам саҳналарига қўйилаётган опера спектаклларида асосий партия-

ларни қўлаяпсиз. Алишер Навоий номидаги катта театр саҳнасида қачон сизнинг ижройингизни кўра-

миз?

— Ҳозиргача чет элда бир қатор операларда бош қаҳрамон образини ижро этдим. Жумладан, Италиянинг Пезаро шаҳрида бўлиб ўтган буюк композитор Россини номидаги фестивалда қатнашдим. Мазкур тадбирнинг аҳамияти шундаки, унда Россинининг ҳозирги кунда жаҳон саҳналарида кам ижро этиладиган учта операси намоийш қилинади. Ушбу фестиваль менда жуда катта таассурот қолдирди, айни пайтда гурурландим. Чунки 1980 йилдан буён ўтказиб келинган мазкур фестивалда Ўзбекистондан қатнашган илк опера солисти сифатида менга бошқача кўз билан қарашди, яъни қизиқиш маъносиде. Фестивалда Россини операсида дон Прудензо партиясини ижро этдим. Томошабинлар жуда яхши кутиб олишди. Шундан сўнг Ла-Скала театрида қўлайдим. Анкона шаҳрида эса машҳур опера-клуби бири — "Травията"да асосий партия бўлган Маркиз образини ижро этдим. Шуниси қувонарлики, менинг ижроимга "Энг яхши Маркиз партияси сеники бўлди", дея юқори баҳо беришди.

Айни кунларда Италиянинг Анкона опера театридан яна бир тақлиф тушди. Насиб қилса, Вердининг "Аттила" операсидаги асосий образ — Аттила партиясини Италияда ижро этишга муваффақ бўламан.

— Янглишмасам, ижодий ишлар билан бирга, мусиқий альбом яратишга киришгандингиз. Бу альбомнинг мазмун-мундарижаси ва мақсадингиз ҳақида билмоқчи эдик. Мумкин бўлса, ижодий ре-

жаларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— "Ўзбек романслари" деб номланган битта тўплам устидаги ишлар якунига етди. Шу ўринда тўпламнинг юзага келишида ёрдам берган "Лукойл" компаниясининг хизматини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Ушбу тўпламни чиқаришдан асосий мақсадимиз — ўтиб кетган улуг композиторларимиз Мутал Бурҳонов, Толибжон Содиков, Мухтор Ашрафий, Дони Сокиров ва бошқаларнинг тобора йўқолиб бораётган романсларини қайта тиклаб, муҳлисларга тақдим этиш, мусиқий меросимизни дурдоналарини авлодларга етказиш.

Ҳозир яна бир лойиҳа: "Ўзбек романслари — 2" ва "Ўзбек ариялари" китоб-тўпламини чиқариш устида иш бошладик. Булар фақат китоб бўлиб қолмай, ичида қўшиқлар, мусиқаларнинг ноталари, клиплари билан берилиб, айни пайтда бемаъл ол интернетга кириш имконияти билан тайёрламоқчимиз. Бу иш мусиқа санъатимиз келажаги учун хизмат қилади, деган ниятдамиз. Аслида биздан келажагимиз, фарзандларимиз учун мана шундай нарсалар мерос бўлиб қолади. Авлодларимиз ўзларидан олдин ўтган санъат ахлини, соҳа тарихини шу тарзда ўргансалар, билимлари мустаҳкамроқ бўлади, деб ўйлайман. Тўй-томоша, ўйин-кулгилар ўтиб кетаверади. Ҳақиқий санъат асарларини фарзандларимизга мерос қилиб қолдириш асосий вазифаларимиздан бўлиши керак.

Албатта, ижодим ҳам давом этади, концертлар устида жиддий ишлар тўхтамайди. Суҳбат жараёнида ўзимизнинг катта театрда қачон опера айтишимизни сўрагандингиз, Ўзбек театри саҳнасида опера айтиш борасида ўйлаб юрибман. Шу йили бу саҳнада жуда катта бир лойиҳани амалга ошириш ниятим бор. Насиб қилса, ўйлаганларим рўёбига биргаликда гувоҳ бўламиз.

Гулчехра УМАРОВА

суҳбатлашди.

ҲАМЛЕТ ВА ҚОНУН

МУТОЛАА

Уильям Шекспир жаҳон адабиётига трагедиялари билан катта ҳисса қўшган адибдир. Унинг пьесалари ва шеърлари инсоний муносабатларнинг ҳақиқий энциклопедияси, одамларнинг ожиз ва кучли томонларини акс эттирувчи ўзига хос кўзгудир.

У нафақат театр, балки ҳуқуқ соҳаси ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган. "Ҳамлет" трагедияси ҳали-ҳануз жаҳон юриспруденсиясида ўзига хос ўрин тутди. Ушбу саҳна асари орқали Шекспир дунёни, ўрта аср одамлари менталитетини, идрокини, санъатга бўлган муносабатини ўзгартирди.

"Ҳамлет" трагедияси театрлаштирилган "қонунлар ўйини" эмас, "Венеция савдоғари" ва "Юлий Сезар" сингари ҳуқуқий-адабий пьесалар йўналишида яратилган саҳна асаридир. Уни ўқиб жараёнида суд саҳналарига, қонун ва жазонинг мақсадлари тўғрисидаги танқидий руҳдаги нутқларга дуч келмайсиз. Аммо синчиклаб қаралса, ҳуқуқий масалалар саҳна асарининг драматик тўқималарига усталик билан сингдириб юборилганини кўриш мумкин. Асарнинг илк мисралариданоқ бош қаҳрамон билан дўсти Горационинг терговчиларга хос савол-жавоби эътиборни тортади. Қолаверса, бу асарда ўша давр қонунчилиги таҳлил қилинган билан бирга, адолат излаётган қасоскор қаҳрамоннинг босиб ўтган ҳаёт йўлини тасаввур қилиш имконини ҳам беради. Асар давомида ўзингиз адолат тимсолига айланиб, қасос — бу худбинлик, аксарият ҳолларда эса, қўрқоқликни ниқобловчи восита эканлигини тушуниб етасиз. Ҳолбуки, Ҳамлет ва Лаэрт оталари учун адолат

излайди, аммо бу адолат золимлардан шахсий қасос олишдан нарига ўтмайди. Бунинг асосий сабаби, асарда мулк ҳуқуқи қатори айрим воқеалар билан параллел равишда ҳуқуқий масалалар ҳам мавжудлигидадир.

Иккинчи томондан, Ҳамлетнинг ҳаётдан совиб кетишига сабаб бўлган адолатсизликлар, хусусан, амалпарастлик, сотқинлик, ёлғон сингари чиркин иллатлар халқлар орасидаги алоқаларнинг бузилишига олиб келадиган омил сифатида кўрсатилади. Қаҳрамон мураккаб муаммони оддий усулда ечади. Яъни у оммага илон заҳри эмас, балки амакисининг хиёлати сабаб қотиллик юз берганини саҳнада кўрсатади. Ёзувчи шу усул орқали бўлажак ҳуқуқшуносларни вазиятни тўғри таҳлил қилишга, мантиқий фикрлашга ўргатади. Мен ҳам муаммо инсоннинг психологик ҳолатидан келиб чиқиб ечилишини валиахд томонидан қўлланган "Қопқон" саҳнаси орқали тушуниб олдим.

Мухтасар қилиб айтганда, бу асар узоқ йиллар давомида таҳрибатдан ўтиб, амалда қўлланганига қарамай, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, унинг тенглигига зид қонун меъёрларига берилган изох билан алоҳида аҳамият касб этади. Қонунчилик билан амалиёт ўртасидаги бундай зиддият нафақат жамият ҳаётидаги, балки ака-укалар орасидаги келишмовчиликларга ҳам сабаб бўлишини асарни ўқиганда тушуниб етдим.

Фарзона ҚАЙОМОВА,

Тошкент давлат юридик университети талабаси

НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ

Буюк мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий ва улуг саркарда ҳамда беназир шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди неча асрларки, санъат аҳли учун илҳом манбаи бўлиб келмоқда. Бирор хонандани созанда, бастакору композитор йўқки, бу икки сиймо ижодидан завқланмаган, уларнинг ижод булоғидан сув ичмаган бўлса. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида халқимизнинг шу икки улуг шоири таваллуди муносабати билан ўтказилган ижодий учрашулар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси ташаббуси билан уюшма раиси Рустам Абдуллаев бошчилигида ўтказилган мазкур тадбирларда "Дўстлар клуби" аъзолари, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси Иброҳим Валихўжаев, Ўзбек Миллий мақом санъати маркази директори Сойибжон Бегматов, шоир Даврон Ражаб ва бошқалар сўзга чиқиб, Навоий ва Бобур ижодининг адабиёт, санъат соҳасига таъсири ҳақида сўзладилар, ижодларидан намуналар ўқидилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев ижросидаги Бобур ғазаллари билан айтиладиган ашулалар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Алишер Навоий ғазаллари билан таниқли савдаткорлар Муножат Йўлчиева, Эркин Рўзиматов, Нодира Пирматов, Илёс Арабове, Моҳичехра Шомуродова, Фуқрат Ашурралиев, Элмурод Аҳмедов ва бошқалар ижросида янраган ашулалар йиғилганларга бир олам завқу шавқ улашди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



ЗАРУРАТ

Улуғ аллома: "Агар мен билмаган нарсаларимни тугун қилиб оёғим остига қўганимда, бошим осмонга етар эди", деган экан. Бошқа бир обиднинг фикрича, инсон билиши зарур ва шарт бўлган билимларнинг мингдан бирини ҳам билмай бу дунёни тарқ этади. Ўзингга ўзинг савол бергинг келади: "Хўш, нима қилиш керак, билганинг сари ҳеч нарсани билмаслигинг, англаганинг сари ҳеч вақога фаҳминг етмаётгани равшан бўлаверса..."

Ўзининг юз ёшини оғир бетоблик тўшағида қаршилаётган машҳур олим даразадан ташқарига қараб, ёнида ўтирган шоғирдидан: "Хозир айни ёз бўлса, нега энди ташқарида шаррос ёмғир ёмоқда, осмоннинг авзони бузук, бунинг сабабини билишни хоҳлайман, сен нима деб ўйлайсан?" деб сўраган экан, шоғирд: "Устоз, шунини билиш сизга шу ҳолатингизда нега зарур бўлиб қолди, соғлигингизни ўйла-сангизчи?", дебди.

Устоз шоғирдига мулоим оҳангда жавоб берибди: "Бўтам, бунинг сабабини билмай ўлиб кетганимдан, биллиб ўлганим маъқул эмасми?!".

МУШТ

Бокс оламининг сўнмас юлдузларидан бири, афсонавий Майк Тайсоннинг бир суҳбатидан шу қадар таъсирландимки... Фақат таъсирланиш эмас, инсон ўз ҳаётида дуч келадиган турфа хил чорраҳа, турфа ҳолатларни ўйлаб, ҳаёлим қочди.

Тайсоннинг журналист билан суҳбати биноидек кетаётган эди, аммо... қутилмаганда "темир мушт" ўрнидан сапчиди, суҳбатдошига кутурган филдек ташланишига сал қолди. Бунга журналистнинг: "Охири жангингиз учун 20 миллион доллар маблаг олдингиз, бу кўп эмасми?" деган саволи сабаб бўлди.

Тайсон шайтонга ҳай бериб, дилини жаҳли устига ёлди. Оғир ўтган болалиги, оч-юпун кунлари, тинимсиз муштлашув, омон қолиш учун ўтказган тенгсиз жанглари, ютқишқилар, аёвсиз калтаклар, юзидан тер каби оққан қон, зирқираган суяклар,

адолатсизлик, ирқий камситишлар ҳақида гапирди.

"Сен билиб қўйки, ҳаётнинг залворли мушти менинг, сизлар "темир" деб атайдиган муштимдан юз, минг баробар аёвсиз, — деди у суҳбатдошига. — Хоҳлаган пайтида эзиб, янчиб, чилпарчин қилиб ташлайди. Ўласанми, қоласанми, киссангда пулинг қолганми-йўқми, ота-онангнинг аҳоли қандай — бу билан иши йўқ. Нима ҳам қилардим, яшашим керак. Ҳамма кўчага кириб чиқдим, қамалдим, гиёҳвандлик балосидан қутулишга ҳаракат қилдим. Аммо менга... муштимдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нарсаси ёрдамга келмади. Сен қанчадан-қанча боксёрлар машқ пайтида юрагига мушт тушиб, ўша заҳоти оламдан ўтгани, ўйида болалари зор қақшаб қолгани, оналарининг оҳ-фарёдини биласанми? Билмайсан, шунинг учун ҳам шундай беаъни саволлар берасан. Яна шунини ҳам билиб қўйишнинг керакки, бизнинг жанг

лар, кимёвий қўшимчалар бизга қаердан келмоқда, кимлар етказиб бермоқда? Наркотрафик йўлларини кимлар назорат қилади? Европада эмасми, европаликлар, олисдаги нарқоборонлар эмасми? Наҳотки, шунини билмаймиз? Тўғилганидан бери ўқ ва портлаш овозидан бошқа ҳеч нима эшитмаган, бир кун бўлсин, тинч ётиб, тинч турмаган шўрпешона дехқон боласида шундай шароит борми? Бунга нима дейсизлар? Тинчгина яшаб, шукроналик йўлида собит юрган, бировга малоли келмаган афгон халқи уйини ким бузди, ким даласини қуритди, тоғу тошини қурол-яроғ билан тўлдирди? Ёш келин-куёвларни қузатиб бораётган қариндошлар устига ким "адашиб" бомба ташлади? Бирор киши узр сўрадимми?"

Бу саволлар ўртага қўйилганига анча йил бўлди, аммо ҳали-ҳануз жўяли бир жавобни эшитганим йўқ. Гап жавобнинг

ёқимли. Туфлимини ечиб, қўлимдаги халтага солволдим.

Қўёш нурида қизиган тупроқнинг тафти — жоннинг роҳати. Дадам раҳматли қизиган шудгорга ёношлар ётишни, жамоа экинига сувни тараб қўйиб, ялангоёқ юришни яхши кўрадилар. Шу жойларда болалик изларим қолган-ку, дейман ўзимга ўзим. Лекин, қани ўша излар?

Қишлоқда ўсганлар учун бундай юриш жоннинг роҳати. Қарама-қарши томондан келётган ҳамқишлоқларим билан саломлашаман.

Бир пайт, булоққа яқинлашиб қолганимда, изимдан Раҳмонжон акам ҳовлиқиб келиб қолди. "Хўй шаҳарлик, бу нима қилганинг, қаёққа кетаялсан, жинни-пинни бўлдингми, туфлинг қани?" деб сўрашга тушди. Сўқма йўлда иссикдан терлаб-пишиб, юзим қорайиб, ялангоёқ юганимни кўрганлар тўғри уйимизга бориб, "Меҳмон йўлда бир ўзи, ялангоёқ

расталардан бирида ўзи билмаган ҳолда "Девону луғотит-турк" китобини 33 лирага сотиб олади. Кейинчалик, бу ангилқдан кўплар хабардор бўлади. Улар Али Амирийдан ушбу китобни катта пул эвазига сотиб олишга ҳаракат қилишади. Аммо Амирий кўнмайди.

Ҳикоя қилишларича, бу ноёб топиладан хабар топган венгриялик бир элчи Али Амирийга ушбу китоб учун нақд 10 минг олтин танга беришга розилигини айтади. Франциялик олим Парижнинг қоқ марказида қурилган ҳашаматли саройни ваъда қилади. Али Амирий ҳар икки таклифга ҳам кўнмай, уларга: "Мен Ватаннинг ноёб хазинасини пулга сотадиган хон эмасман", дейди. Ҳукумат унга 300 олтин танга жўнатганида эса, бу пулни мамлакатнинг оч-наҳор яшаётган фуқароларига бўлиб бериш кераклигини айтади.

Тарихда бундай ибратли мисоллар кўп. Мирзо Улўбекнинг садоқатли шоғирди Али Қўшчи устози тўплаган ноёб китобларни жоҳиллардан сақлаб қолиш учун не қўйларга тушганини яхши биларми. Мавлоно Жалолиддин Румий дафн этилган Кўна шаҳрида китоб савдоси билан шуғулланувчи бир кишига одамлар турли шаҳарлардан қўпларда китоблар олиб келишар экан. "Мен қўпларнинг оғзини очаетганимда, ажабо, бу гал қандай китоблар олиб келишди экан-а" дея, худди келинчакнинг юзини очаетган кўведек ҳаяжонланар экан, дер экан шу саҳоф.

Келинчакнинг юзидай азиз китоблар ҳаммаша ҳамроҳимиз бўлсин.

ШИБЛИЙ

Фаридуддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" асарида қуйидаги ривоят келтирилади: "Ишқ жунунига гирифторм бўлган Шиблий исмли киши Бағдод кўчаларида кезиб юрар экан, "Аллоҳ" дейдиган болаларга ширинликлар улашиб юриш билан машғул экан, кейин-кейин жунуни кўзгаб, "Кимки "Аллоҳ" сўзини тилга олса, бошини чопиб ташлайман" дейдиган бўлибди. Унинг бу қилмишидан хабардор бўлган устози Жунайд Бағдодий бу хабарни олиб келганларга: "Шиблийга тегманлар, ўз ҳолига қўйинлар. Унинг Аллоҳга муҳаббати шу қадар жўш урганки, рашки келиб, бу сўзнинг ёлғончи ва ривкорлар тилига кўчишини истама-япти", деган экан.

Марҳум уламо Анвар қори наҳорги маърузаларидан бирида шундай деган эди: "Мен бир кишини биламан, ўзимга яқин одам. Исломга рағбати йўқ, Худога ишонмайди, бунинг бошга чинакам омад қўши қўнади: китоблар сотиладиган

юртбди, тинчликми ўзи?" дея қариндошларга танбех беришди.

Акамга тушунтирдим. Тушундилар, аммо булоқдан ҳовулаб сув ичиб, юзимни чайганимдан кейин, "Туфлингни кий, уйга қайтамыз, сени бу ҳолда кўрганлар шаҳарда жин-пин чалиб кетибди" деб ўйлаши мумкин, дедилар.

Ўшанда қадрдон булоқ ёнида бир зум бўлсин думалаб ётганимга ҳали-ҳали афсус қиламан.

КЕЛИНЧАКНИНГ ЮЗИ

1857 йили Туркиянинг Диярбаҳр шаҳрида таваллуд топган Али Амирий исмли йигит Ёш-лигидан китоб мутолааига берилади. Бу иши боис, бошига кўп ташвишлар келишига қарамай, нодир китобларни йиғишда давом этади. Йиққан китобларининг сони 10 мингдан ошиб кетади. Али Амирий бамисоли буюк хазинани излаётгандай, ҳаётининг асл маъносини шу ишда кўради.

Қўнларнинг бирида унинг бошига чинакам омад қўши қўнади: китоблар сотиладиган

АФСУС

Газетада ишлаб юрган кезларим бир йилдан кўпроқ муддат қишлоққа боролмадим. Ишлайдиган одам шаҳарга бутун вужуди билан сингиб кетади. Ота-онам, акаларим, сингилларим, дўст-қадрдонларни, болалигим ўтган сой-сўқмоқлару дала-қирларни соғиндим, аммо ҳар ҳафта гуриллаб чиқиб, қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган газетанинг шухрати бундай соғинччи писанд қилмасди.

Август ойи бошларида, бир илож қилиб, йўлга тушдим. Икки кун уйимиз меҳмонизимда тўлди. Учинчи кун эрталаб нонуштага келганларни кузатиб, ҳеч кимга айтмай қишлоғимизнинг кўнчиқар томонида Қапчиғай деган жойимиз бор — ўша ердаги булоққа қараб йўл олдим. Сўқма йўл тупроғи ипакдек майин бўлиб кетган, жуда

СИРЛИ СЕВГИ

Улар бир-бирига бўлган севгиларини сир тутиб юришарди.

Орадан йиллар ўтди. Севгилари учун курашмадилар. Аммо қўришганларида: "Ёшликдаги севги эди-да", деб ўзларига таскин беришади. Аммо синфдошлар уларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини яхши эслашади.

НОЁБ СУВ

Узоқ йиллар қон босимидан азият чекиб юрдим. Шифокорларнинг маслаҳати ҳам қор қилмади.

Шунда бир туманда яхши табиб борлигини эшитиб, ҳузурига бордим. Табиб: "Олим одам экансиз, яна узокдан ихлос қилиб келибсиз. Сизга энг ноёб сувни бераман", деб икки литрли идишни қўлимга тутқазди: "Қирқ кун эрталаб ва кечкурун ош қошиқдан ичасиз. Лекин айтиб қўяй, эрталабдан кечгача оғзингиздан ёмон гап чиқмасин", деб тайинлади.

Оз фурсатда тузалиб кетдим. Табибга раҳмат айтиш умидида яна ҳузурига йўл олдим. Шунда табиб қўлини елкамга қўйганича: "Сизга берган "ноёб дори" шу булоқ суви эди. Бақир-чақирни



йигиштириб, менинг айтганларимни ихлос билан бажарганингиз сабабли тузалгансиз", деди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор

Абдураззоқ ОБРЎЙ



Тунги соат иккида...
Нима танга ботибди,
Дема, мени отибди,
Ким жойимда ётибди,
Тунги соат иккида...

МЕН ҚАЕРДАМАН?

Бир қўзғалиб дардларим,
Эсдан чиқди гапларим,
Қуриб қолган лабларим,
Тунги соат иккида.
Мирзо ОЗОД, «Тунги соат иккида»

Мен яхши ишлаганман,
Лабимни тишлаганман,
Қўнмасанг, муштлаганман,
Тунги соат иккида...
Қўрпа етмас оёққа,
Қарапсан қаёққа?
Қўлма яна таёққа,

Адабий жамоатчиликка пародия устаси сифатида танилган Абдураззоқ Обруй шу кунларда ўзининг 60 ёшини нишонламоқда. Биз шоирни кўтлуг ёши билан кўтлаб, ўзи ҳеч қачон пародия нишонига айланмаслигини тилаймиз.

Тахририят

МИТТИ ХИКОЯЛАР

ҚАДРДОНЛАР

Синфдошлар ўн йилдан сўнг учрашиб қолишди.

— Сен билан жуда қадрдон эдик, бир партада ўтирдик.

— Қадрдон бўлмасак, бугун учрашармидик? — деди иккинчиси.

Ваҳоланки, улар бир шаҳарда, бир мавзёда яшашарди.

МЕНИ ДЕРМИДИНГ?!

Бир кун ғариб қолсам мен, гулим,
Чўнтагимда қолмай бир пулим,
Юзларингни бурмай шунда ҳам
Севармидинг мени севганим?
Хуришд ҚАРИМ, «Севармидинг мени?»

Пешонам иккига бўлинса,
Қўзимга ачина кўринса,
Камини бир ўлиб тирилса,
Айтгил, жоним, мени дермидинг?!
Бошим бўлса худди тухумдай,
Қорним бўлса гўёки хумдай,
Овқат ейиш сендан муҳимдай,
Айтгил, жоним, мени дермидинг?!
Оқиб турса суви бурнимдан,
Зўрға турсам мен-чи ўримдан,
Гаплар отсам мен чин кўнгилдан,
Айтгил, жоним, мени дермидинг?!

ПАРОДИЯЛАР

МЕНДА ВА СЕНДА

Менда ҳаловат йўқ, сенда саодат,
Менда фароғат йўқ, сенда фаросат.
Баҳром ҒОЙИБ, «Ғаним ғанимат»

Менда қалпоқ йўқ, сенда рўмон,
Менда соч ҳам йўқ, сенда соқол.
Менда кучоқ йўқ, сенда қўлтиқ,
Менда суяк йўқ, сенда қилтиқ,
Менда ияк йўқ, сенда тиртиқ,
Менда ямоқ йўқ, сенда йиртиқ,
Менда тарвуз йўқ, сенда қовун,
Менда шампунь йўқ, сенда совун,
Менда йўқ ёзишга иштиёқ,
Сенда йўқ ўқишга эҳтиёқ.

ЧЎЗМАҚУЛОҚ

Мен бир сўзни йўқотиб қўйдим,
Пайдо бўлди эсимда тешик.
Оллоёр ХҲАНДИЙ, «Бир сўз...»

Мен бир қизни йўқотиб қўйдим,
Пайдо бўлди юракда дарча.
Шунда мен-ай, тўлғандим, куйдим,
Қарсақ чалиб туришди барча.
Мен бир қўзни йўқотиб қўйдим,
Иккинчиси сал-пал кўради.
Учқурғонда холамни кўрдим,
Бир кўз қани дея сўради!
Бир қўлоғим йўқотиб қўйдим,
Биттасини чўзса бўлади.
Эшитмоқни ёқтирмай қўйдим,
Бунисин ҳам узса бўлади!



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:

mirzo
akfa

Бош
муҳаррир
Салим
АШУР

Тахририятга келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъуа котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий алоқавишлар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Алдан - 1087. Буюртма Т - 244.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Навр кўрагани - 1223
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона маънази:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Боснига топшириш вақти - 21.00.
Боснига топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИКАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2183-614X



КЎНГҒИЛ МИНТАҚАСИ



ЧЕКИНИШ

Майли, нима дердим, қўсмаб ёлғончи,
Пешонамга қўйган дастхати алдов.
Кўнглим мотамсаро, кўнглим тиланчи,
Сароблар ичида ёнмоқда лов-лов.

Бугун қўл қўймайман юрак сулҳига,
Бугун йўлларингдан юрмайман, армон.
Ёйилган ишқимнинг заррин зулфига
Илашиб чирмашар гумонлар чунон.

Қўргулик — аламкор кўздан сизган ёш,
На сен жилмаясан, на мен кўнаман.
Эҳ, нечун қўйнайсан бунчалар бебош
Ишқимни жимгина дилга қўмаман.

Айрилиқ — киприқлар тўқилган макон.
Ишқкент осмониди сузмоқда булут.
Сен — ҳаёт қўйига айланган инсон,
Бугун ва бир умр ишқимиз унут.

Бугун қўл қўймайман юрак сулҳига.

ОШИҚЛАР ТИЛИДАН

Осмон нарвонидан пастга туш, малак,
Осмон равғондан сургин пардани.
Менинг учун шараф сен дея ўлмак,
Остонамга келдим бошим урғали.

Қобоғи уйилган кун — бахтиқаро,
Шаррос қуяётган ёмғирмас — армон.
Кезиб бораёлман ҳарсатдор аро,
Сени кўрмоқ илинж, келгин, малакжон.

Сиртқоқ — бўйним эзган гумонлар асли,
Чақмоқ — қадамингдан сачраган сўроқ.
Айтгин, ёмоникан ошиқлар насли,
Ё севиши ростми ўзидан кўпроқ?

Дилгир сукунатдан алашим бисёр,
На ишқ сўзгай билар, на кўнгли гапдон.
Мана, айрилиқнинг ашъори тайёр,
Рақибларга байрам, қулишар хандон.

Оҳ, малакгинам-ей, юзлари қирмиз,
Кипригинг сояси — кўзимга сурма.
Сенга тенг келолмас бир минг битта қиз,
Доимо омон бўл, ҳеч завоқ кўрма.

Майли, майли энди кўнаман, тақдир,
Нарвоним оёғимга тиралган малак.
Умр повнига етгунча барибир,
Қутаман, жўнатгин биргина дарак.

Осмон нарвонидан пастга туш, малак,
Бораман, кел дея берсанг бир дарак...

Бахт — ҳеч қимса тутолмаган қуш,
Дунёни қарх уриб кезасан.
Сен бормисан ё ажиб бир туш,
Тушга кириб дилни эзасан...
Ишқ — оловга айланган юрак,
Қуйдирансан, лекин сўнмайсан.
Айт-чи, асли сенга не керак?
Азоб бериб сира тўмайсан.
Дард — вужудда униб ўсган сўз,
Исёнларинг томоқ йиртади.
Рашк — меники бўлган намли кўз,
Борлигинг чин, менга етади.
Вақт — Аллоҳдан берилган қисмат,
Тўхтолмайсан, ортага қайтмайсан.
О, минг йиллик ҳасрат — муҳаббат!
Ҳамон менинг исмиим айтмайсан.
Шеър — икки дил баёзи — дастхат.
Кечиб бўлмас азалий ҳукм.
Мен аслида ху қўёш қизи,
Ёнмоқликка бир умр маҳкум.

Зухра ШАРИПОВА,
Навоий вилояти

БИЛДИРИШ

2022 йил 16 февраль соат 15:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадийи публицистика кенгашининг 2021 йил фаолияти якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади.

Йиғилишга ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, ёш ижодкорлар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, шоир Муҳиддин Абдусаммадга отаси

ИСМАТ отанинг

вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.